

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҶТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ**

**йўналиши**

**“БОШҚАРУВ, РИСКЛАР ВА ЭТИКА”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2016**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа  
ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТДИУ профессори и.ф.д. Хасанов Б.А.,  
ТДИУ доценти и.ф.н. Файзиева У.Т.,  
ТДИУ кихи асс. Салохидинов С.А.

**Тақризчи:** Иан Крауфорд, Бат университети, Буюк Британия.

**Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга  
тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I	Ишчи дастур.....	3
II	Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	8
III	Назарий материаллар.....	14
IV	Амалий машғулот материаллари.....	63
V	Кейслар банки.....	72
VI	Мустақил таълим мавзулари.....	74
VII	Глоссарий.....	76
VIII	Адабиётлар рўйхати.....	81

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Мазкур ишчи дастур “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур мазмуни олий таълим муассасалари педагог кадрлари учун профессионал даражага йўналиш бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу дастурда корхоналарнинг бошқариш усуслари ва уларнинг амалдаги тизими, корпорацияларни бошқаришнинг ҳозирги замон ривожланиш тенденциялари, корпоратив бошқарув андозаларини жорий этиш масалалари, бизнесдаги турли рисклар ва уларни баҳолашда бухгалтернинг ўрни, шахсий ва профессионал этика, аҳлоқий тизимлар ҳамда профессионал қимматликлар, аҳлоқ тамойилларни нафақат бухгалтерияга оид вазиятларда балки профессионал хулқ ва фикрни қўллаш зарур бўлган турли вазиятларда қўллаш масалалари бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур хорижий мамлакатлар илфор тажрибаларига асосланган ҳолда бошқарувнинг замонавий концептуал асослари, рисклар аниқлаш ва баҳолаш, этикага доир ислоҳотлар ҳамда ушбу йўналишларда бухгалтерия тизимининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига оид хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг илмий қарашлари, замонавий шароитларда Ўзбекистон Республикасида яқин ва ўрта истиқболда амалга оширилаётган корпоратив бошқарув соҳасидаги ислоҳотлар, глобал молиявий-иктисодий инқироз шароитида ривожланган мамлакатлар корпоратив бошқаруви, ички аудит ва бухгалтерия ҳисоби тизимида кузатилаётган долзарб муаммолар бўйича назарий ва амалий маълумотларни ўзида мужассамлаштирган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Бошқарув, рисклар ва этика” модулининг **мақсади**: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларида бухгалтерни вазифасини бажаришда, тўлиқ аҳлоқ тизими контекстида корхона бошқарувида, бизнес рискларни бошқаришда, ички аудит тизимини шакллантиришда кўникма ва малакаларини таркиб топтириш ҳамда профессионал фикр шакллантириш.

“Бошқарув, рисклар ва этика” модулининг **вазифалари**:

- Бошқарув тизимининг ижтимоий-иктисодий мазмуни, хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг бошқарувга оид илмий қарашлари ҳақидаги илмий билимлар базасини аниқлаштириш;
- Бизнесдаги рискларнинг турлари, уларнинг пайдо булишига таъсир этувчи омиллар ҳамда рискларни бошқариш ва уларнинг таъсирини

юмшатишда бухгалтернинг ўрни тўғрисида хulosаларни шакллантириш;

- Тегишли профессионал қонун ва низомларга мувофиқ, профессионал қимматликлар ҳамда фикрларни, касб ва жамият эхтиёжларига йўналтирилган аҳлоқ тизими орқали намоён этиш бўйича тингловчиларнинг лаёқатларини ривожлантириш;

- Замонавий шароиларда бошқарув, рискларни баҳолаш ҳамда этикага бўйича тингловчиларнинг билими, қўникма ва малакаларини ривожлантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, қўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Бошқарув, рисклар ва этика” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

#### **Тингловчи:**

- корхона бошқарувининг ижтимоий-иктисодий мазмуни, у ҳақидаги классик ва замонавий илмий қарашларниинг концептуал асослари;

- ички бошқарув ва назоратда профессионал бухгалтериянинг ўрни;

- бизнесдаги рискларнинг турлари, уларнинг пайдо булишига таъсир этувчи омиллар;

- инқирознинг навбатдаги тўлқини шароитида бошқарув ҳамда бизнес рискларни баҳолаш ва бошқариш тизимидағи долзарб муамолар ва ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича **билимларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- рискларни белгилаш ва идентификациялашда бухгалтерининг ўрни ва вазифаларини баҳолай олиш;

- рискларни бошқариш ва уларнинг таъсирини юмшатишда бухгалтер нинг ўрни тўғрисида хulosаларни шакллантириш;

- ривожланган мамлакатлар бошқарув, рисклар ва этикага оид долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари бўйича ислоҳотларнинг устувор йўналишларига оид хulosаларни шакллантириш **қўникмаларини** эгаллаши зарур.

#### **Тингловчи:**

- тегишли профессионал қонун ва низомларга мувофиқ, профессионал қимматликлар ҳамда фикрларни, касб ва жамият эхтиёжларига йўналтирилган аҳлоқ тизими орқали намоён этиш;

- мамлакатимиздаги корпоратив аҳлоқ кодекси ҳамда Ҳалқаро бухгалтерслар федерацияси томонидан ишлаб чиқилган бухгалтерларнинг аҳлоқ кодексини мазмуни ва моҳияти бўйича билимга эга бўлиш;

- мамлакатимизда корхона бошқаруви, рисклар ва этикага доир яқин ва истиқболга мўлжалланган ислоҳотлар стратегиясини таҳлил қилиш ва ўзига хос равишдаги тараққиёт сценарийсини ишлаб чиқишга оид **малакаларни** эгаллаши лозим.

### **Тингловчи:**

- бошқарув, рисклар ва этикагага оид илмий ва амалий маълумотлар банкини шакллантириш ва уларни тизимлаштириш;
- бошқарув тизими, рискларни бошқаришга оид замонавий илмий қарашлар, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимидағи ислоҳотларнинг устувор йўналишларига оид янги илмий ва амалий маълумотларни тизимлаштириш;
- бошқарув, рисклар ва этикага оид замонавий билимларга асосланган ҳолда мутахассислик гурухларида маъруза ва амалий машғулот олиб бориш **компетенцияларни** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Бошқарув, рисклар ва этика” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўкув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;
- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гурухларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Бошқарув, рисклар ва этика” модули бўйича машғулотлар ўкув режасидаги “Хисоб, аудит ва рисклар ички назоратининг ахборот технологиялари”, “Хисоб ва ҳисбот”, “Аудит”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” ўқув модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар молия тизими, давлат молияси, молиявий сиёсатнинг концептуал асослари бўйича илмий ва амалий маълумотлар банкини шакллантириш ва уларни тизимлаштириш бўйича компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат		Мустакил
		Ҳамма аси	Аудитория ўқув юкламаси	
			а	м

					Назарий	Амалий машғулот	Күчма машғулот	
1.	Бошқарув ва ижтимоий масъулият	10	10	4	6			
2.	Рисклар ва уларни бошқариш	10	8	4	4			2
3.	Профессионал қимматликлар ва этика	8	6	2	4			2
<b>Жами:</b>			<b>28</b>	<b>24</b>	<b>10</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Бошқарув ва ижтимоий масъулият**

Бошқарув ва ижтимоий масъулият асослари. Агентлик назариялари. Бошқарув натижалари ҳисоботи. Корпоратив бошқарувнинг ёндашувлари. Бошқарув жараёнида ички назорат, ҳисоб ва аудит тизимлари. Бошқарув жараёнида ахборот алмашинуви.

### **. 2-мавзу: Рисклар ва уларни бошқариш**

Рисклар ва уларни бошқариш асослари. Рискларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳисоблаш. Рискларни бошқаришда ҳисоб ва аудитнинг роли. Рискларни бошқаришнинг самарали йўллари. Рисклар мониторинги, уларни камайтириш ва моделлаштириш масалалари.

### **3-мавзу: Профессионал қимматликлар ва этика**

Профессионал қимматликлар ва этика. Этика ва ижтимоий масъулиятга турли ёндашувлар. Мутахассисликлар ва жамоат манфаати. Профессионал амалиёт ва этика кодекслари. Манфаатлар номутаносиблиги ва ноэтикавий фаолият оқибатлари. Профессионализмнинг этикавий хусусиятлари. Бизнес ва этикавий фаолиятда ижтимоий ва экологик масалалар.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1- амалий машғулот:**

### **1-мавзу: Бошқарув ва ижтимоий масъулият**

Бошқарув ва ижтимоий масъулият асослари. Агентлик назариялари. Бошқарув натижалари ҳисоботи. Корпоратив бошқарувнинг ёндашувлари. Бошқарув жараёнида ички назорат, ҳисоб ва аудит тизимлари. Бошқарув жараёнида ахборот алмашинуви.

### **2- амалий машғулот:**

### **. Рисклар ва уларни бошқариш**

Рисклар ва уларни бошқариш асослари. Рискларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳисоблаш. Рискларни бошқаришда ҳисоб ва аудитнинг роли. Рискларни

бошқаришнинг самарали йўллари. Рисклар мониторинги, уларни камайтириш ва моделлаштириш масалалари.

### **3- амалий машғулот:**

#### **Профессионал қимматликлар ва этика**

Профессионал қимматликлар ва этика. Этика ва ижтимоий масъулиятга турли ёндашувлар. Мутахассисликлар ва жамоат манфаати. Профессионал амалиёт ва этика кодекслари. Манфаатлар номутаносиблиги ва ноэтикавий фаолият оқибатлари. Профессионализмнинг этикавий хусусиятлари. Бизнес ва этикавий фаолиятда ижтимоий ва экологик масалалар. Мамлакатимиздаги корпоратив аҳлоқ кодекси ҳамда Ҳалқаро бухгалтерслар федерацияси томонидан ишлаб чиқилган бухгалтерларнинг аҳлоқ кодексини мазмуни ва моҳияти.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришининг интерфаол шаклларидан: бинар-маъруза, провакацион-маъруза, савол-жавобли маъруза, сұхбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиши шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гурухли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Энг юқори балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Кейс топшириқлари	1,5 балл	Ҳар бир тингловчи фан доирасида маълум мавзу бўйича кейс тайёрлайди
2.	Амалий топшириқлар	0,5 балл	Амалий машғулот масалаларини бажаради
3.	Мустақил иш топшириқлари	0,5 балл	Мустақил иш мавзуларини бўйича материаллар бажаради
	Жами	2,5 балл	

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

**1-маъруза машғулотида** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → “Корпоратив бошқарувнинг ўрни ва аҳамияти қандай деб ҳисоблайсиз?”

2) Тингловчиларнинг копоратив бошқарув тизими аҳамияти, мақсади муаммолари ҳақидаги маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Корпоратив бошқарув тўғрисидаги барча билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

**“Б /Б /Б”**

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
Акционер жамиятлар	Корпоратив бошқарув тамойиллари	Асосий тамойиллар
Миллий тажриба	Халқаро тажриба	Германия ва Англия тажрибаси
	Корпоратив бошқару иштирокчилари	Корпоратив бошқару иштирокчилари
		Корпоратив бошқарувда бухгалтернинг ўрни

3) Тингловчиларнинг бошқарув бўйича хорижий тажрибаларга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

**“Тушунчалар”- таҳлили**

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Қўшимча маълумот
Адолатлик		
Очиқлик		
Мустақиллик		
Ҳаққонийлик		
Маъсулиятлик		
Ҳисоб		
Репутация/обру		
Фикр		
Бир бутунлик		



**Амалий машғулотда** күйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг конфедератив ташкилий тузилмалар, федератив, унитар мамлакатлар давлат молияси тизими моделлари бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

*Топшириқ мазмуни → Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув тизими ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ғоясини таҳлил қилиш.*

### **“SWOT - таҳлил” жадвали**

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг давлат молияси ва корпоратив молия бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “Концептуал жадвал” методидан фойдаланилади.

### **Концептуал жадвал**

<i>Аспект таҳлили</i>	<i>Акционерларни умумий йиғилиши</i>	<i>Кузатув кенгаши</i>	<i>Ижроия органи</i>
Ваколат доираси			
Йиғилиш ва мажлислар ўтказиш			
Ва х.к.			

**2- маъруза машғулотида** қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → “Рискларни бошқаришда хақоний маълумотларнинг ўрнини қандай?”

2) Тингловчиларнинг корпоратив бошқарувда риск аниқлаш, рисклар турлари, рискларни аниқлашда бошқарув функциялари, бизнес риск манбалари каби маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → давлат молияси ва молиявий сиёсат бўйича билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

### “Б /Б /Б”

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
Бизнес риск	Риск турлари	Молиявий риск, ишлаб чиқариш риски

3) Тингловчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

### “Тушунчалар”- таҳлили

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Ушбу манбани бизнес рискга таъсири
<b>Бозор</b>		
<b>Кредит</b>		
<b>Ликвидлик</b>		
<b>Репутация/обру</b>		
<b>Эхтиеткорлик</b>		

**Амалий машғулотда** қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг давлат молияси ва молиявий сиёсат бўйича билим ва қўнималарини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Замонавий шароитларда молиявий сиёсат ва

унинг стратегик йўналишлари

### “SWOT - таҳлил” жадвали

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг бизнес рискларни бошқаришда бошқару органларини ўрни бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “Концептуал жадвал” методидан фойдаланилади.

### Концептуал жадвал

<i>Аспект таҳлили</i>	Менеджерлан	Ички аудит	Ташқи аудит
Рискни аниқлаш			
Рискни камайтириш			
ва х.к.			

**3- маъруза машғулотида** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий ҳужум”дан фойдаланилади.

**Топширик мазмуни** → “Корпоратив бошқару этикаси деганда нимани тушунасиз”

2) Тингловчиларнинг Корпоратив бошқарув этикасига оид илмий қарашлари ҳақида қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

**Топширик мазмуни** → Корпоратив бошқару этикасига оид илмий қарашлари ҳақида қандай маълумотларини биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

## “Б /Б /Б”

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим

3) Давлатнинг иқтисодий вазифасига оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

### “Тушунчалар”- таҳлили

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Қўшимча маълумот
Этика		
Фаолият очиқлиги		
Самарали ички назорат		
Акциадорларнинг хуқуқ ва манфаатлари		
Ривожланиш стратегияси		
Самарали хамкорлик		
Манфаатлар қарама қаршилиги		
мониторинг		

**Амалий машғулотда** куйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг “Корпоратив бошқарув этикасиси - хозирги вазият” бўйича билим ва қўнималарини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → АҚШ давлат молияси тизими.

### “SWOT - таҳлил” жадвали

S (кучли томони)	W (кучсиз томони)
O (имкониятлар)	T (таҳдидлар)


2) Тингловчиларнинг замонавий .

### Концептуал жадвал

Аспект таҳлили	Корпоратив бошқарув	Бухгалтерлар этикаси
----------------	---------------------	----------------------

	этикаси	
Норматив аосолари		
Йұналиши		
тамойиллари		

**Венн диаграммаси**  
**Бухгалтер ва аудитор этикаси: умумий ва фарқли хусусийтлари**



### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1 – мавзу: Бошқарув ва ижтимоий масъулият**

**Режа:**

**1.1. Бошқарув ва ижтимоий масъулият асослари.**

**1.2. Агентлик назариялари. Корпоратив бошқарувнинг ёндашувлари.**

**1.3. Бошқарув жараёнида ички назорат, ҳисоб ва аудит тизимлари.**

**Таянч иборалари:** унитар модел, инвестор, икки погонали модел, континентал модел, тармоқ модели, миноритар акциядор, ижроия органи, инсайдер, сармоя, шаффоффлик.

#### **1.1. Бошқарув ва ижтимоий масъулият асослари.**

Ўзбекистон Республикасида корхоналарни акционерлаштириш жараёнида жорий этиладиган бошқарув усуллари аввал-бошиданоқ қуйидаги асосий мақсадларни кўзлади:

- корхоналар фаолиятининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини бошқарув соҳасида уларнинг мустақиллигини таъминлаш ҳисобига яхшилаш;
- миллий молия бозорининг (капитал, қимматли қофозлар, кўчмас мулк бозорлари) турли бўғинларини ривожлантириш ҳамда аҳолининг корхоналар капиталидаги иштирокини кенгайтириш;
- ички бозорни турли маҳсулотлар билан тўлдириш ва маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш мақсадида рақобатдош бозор муҳитини яратиш;
- корхоналарга тўғридан-тўғри ва портфелли хорижий инвестицияларни жалб қилиш.


Кўрсатиб ўтилган мақсадли тамойилларнинг аксарияти акциядорлик корхоналар иши амалиётида муваффақиятли жорий этилмоқда, аммо бу жараён янада тизимли ёндашувни тақозо этади. Акс ҳолда, бошқарув усулларининг жорий этилиши жиловланиб, кўпчилик акциядорларда уларнинг асл салоҳияти хақида нотўғри фикр пайдо бўлади.

Бошқарувнинг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- акциядорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибардорлигини ошириш;
- акциялар нархининг ўсиши орқали узоқ муддатли иқтисодий қийматнинг жамғарилиши;
- жамиятнинг ривожланиш стратегиясини аниқлаш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- акциядорлик жамиятлари бизнес - режаларини тасдиқлаш ва улар бажарилишини назорат қилиш ва фаолиятнинг бошка муҳим масалаларини ҳал қилишдан иборатdir.


Корпоратив бошқарув қуидагича ихоҳланади (Кэдбери ҳисоботи, 1992 йил): “Корпоратив бошқарув ғ компанияларга йўналтирилган ва назорат қилишга бағишиланган тизимдир”<sup>1</sup>.

Корпоратив бошқарув тизими - корпорация ўз акциядорлари манфаатларини ифодалashi ва ҳимоя қилиши лозим бўлган ташкилий моделни ифодалайди. Бу акциядорлар, директорлар кенгashi, менежерлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг (ходимлар, кредиторлар, маҳаллий ҳукумат, жамоат ташкилотлари) ўзаро алоқа тизими бўлиб, ундан мақсад амалдаги қонунчиликка риоя қилиб, халқаро андозаларга мувофиқ фойдани ошириш ҳисобланади.



**Расм. 1. Бошқарув цикли**

Корпорациялар ўз навбатида, давлат олдида корхоналарнинг, масалан ягона солиқ тўловчи ваколотхоналари сифатида иштирок этиши мумкин. Ҳар қандай корпоратив бирлашма фаолият курсатиш мақсадига эга булади ва ушбу мақсадга эришишда бошқаришни босқичма босқич амалга оширади. Буни биз қўйидаги расмда куриб ўтамиз. (Расм.2).



**Расм. 2. Бошқариш босқичларини мақсадли амалга ошириш.**

<sup>1</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p.16.

**Низом капитали ва бошқарув органлари нұқтаи назаридан ташкилий-хуқуқий шакллар тавсифини қўйидаги жадвалда изохлаймиз.(1.Жадвал).**

*1-жадвал*

**Низом капитали ва бошқарув органлари нұқтаи назаридан ташкилий-хуқуқий шакллар тавсифи**

Хўжалик ўртотчиликла ри	Хўжалик жамиятлари	Акциядорлик жамиятлари	Ишлаб чиқариш ширкатлари
Низом капитали			
Терма (тавсисчилар улушига тақсимланган)	Терма (тавсисчилар улушига тақсимланган)	Акциядорлик капитали (акциялар белгиланган сонига тақсимланган)	Пай капитали (бирлаштирилган мулкий пай бадалларидан иборат)
Бошқарув органлари			
Бошқарув органлари йўқ	Қатнашчилар умумий йиғилиши – олий раҳбар орган; Ижроия органи (Бошқарма) якка ҳолда ҳам, жамоавий ҳам бўлиши мумкин (якка ҳолдагиси қатнашчилар орасидан бўлмаслиги мумкин)	Акциядорлар умумий йиғилиши – олий раҳбар орган; Ижроия органи якка ҳолда ҳам, жамоавий ҳам бўлиши мумкин; умумий раҳбарлик амалга оширувчи стратегик орган — директорлар Кенгаши	Аъзоларнинг умумий йиғилиши – олий раҳбар орган; Ижроия органи (Бошқарма); ширкат қатнашчилари сони 50 дан ошганда Кузатув кенгаши— умумий раҳбарлик амалга оширувчи стратегик орган ташкил этилиши мумкин

Ушбу тизимдаги оқимлар қўйидаги тарзда тақсимланади:

- акциядорлардан бош директорга ва менежментга *капитал келиб тушади*, бош директор ва менежер акциядорларга «шаффофф» молиявий ҳисобот тақдим этиши мажбуриятини олади;

- акциядорлардан директорлар Кенгаши фаолиятини назорат қилиш келиб чиқади, директорлар Кенгаши эса акциядорларга *ахборот ва индивидуал ҳисобот тақдим этади*;
- бош директор ва менежмент директорлар Кенгашига стратегияни амалга оширишнинг бориши ҳақида ахборот ва тезкор маълумотлар тақдим этади, ўз навбатида у компания ва бош директор фаолиятини назорат қилиб боради.

Корпоратив бошқарувнинг моделларининг қўйи даги шакллари мавжуд ҳисобланади:<sup>2</sup>

- Унитар (инвестор) модели – АҚШ, Буюк Британия, Австралия;
- Икки поғонали (манфаатдор шахслар) модели – Германия;
- Континентал модел;
- Тармоқ модели – Япония (кейретсу), Корея (чаэбол).

#### **Унитар модел:**

- Бошқарувнинг ягона органи – унинг таркибида ижро этувчи директорлардан кўра мустақил директорлар кўпроқ бўлган унитар Директорлар Кенгаши (акциядорлик мулкчиликнинг «Инглизсаксон» модели: 24 - 30% акция ҳаракатсиз, узоқ вақт кичик корхоналар қўлида бўлади ва назорат пакетини шакллантиради, 70-80% акция, аксинча, ҳаракатчан, вақти - вақти билан бозорга олиб чиқилади ва бир кишининг қўлидан бошқасига осон ўтади);

- Акциядорлик капиталнинг катта қисми инглизсаксон удумларида тарбияланган майда инвесторлар сармоясидан иборат;

- Жисмоний шахсларга қарашли бўлмаган акциялар асосан институционал инвесторлар қўлида жамланган;

- Қимматли қоғозлар бозори юқори самарадорлиги ва ликвидлиги билан ажralиб туради;

- Миноритар акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш юқори даражада;
- Жалб қилинган директорлар иштирокидаги кучли корпоратив бошқарув.

“Кўп мамлакатларда, компаниялар унитар кенгашга эга. Бу кенгаш барча вазифаларни амалга ошириш учун фақатгина ягона маъсул бўлиб директорлар кенгаши мавжудлиги маъносини англаатади”<sup>3</sup>.

#### **Икки поғонали модел (инсайдерлик):**

Раҳбарлик ва ижрочилик органи:

- Кузатув кенгаши (Директорлар кенгаши);
- Ижроия органи.

Вазифаларнинг қатъий тақсимланиши. Кенгаш аъзолари ижроия органига аъзолик қилиши мумкин эмас.

---

<sup>2</sup> Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May, 2009

<sup>3</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p. 59.

### **Континентал модель:**

- Доимий эгаларда 70 - 80% акция жамланган, 20 - 30% акция эса “чакана” сотилади ва харидорлар уларга маблағларни вақтинча жойлаштириш воситаси сифатида қарайдилар;

- Акциядорлик сармоясими йирик “улгуржи” инвесторлар ташкил қилиб, бир - бирининг акциясига ўзаро эгалик қилиш (кучли қарамлик) тизими кенг ривожланган;

- Кузатув кенгашида компания ҳодимларининг салмоқли вакиллиги;
- Ўзокни кўрадиган инвесторлар;
- Қимматли қоғозлар бозори кичикроқ ва ликвидлиги камроқ.

### **Тармоқ (япон) модель:**

Япон модели мазмунига кўра америка моделига ҳам, германия моделига ҳам ўхшамайди, бироқ иккала моделнинг айрим хусусиятларини ўз ичига олган:

- директорлар кенгаши таркибида мустақил директорлар бўлмасдан, Кенгащининг барча аъзолари юқори бошқарув органи вакиллари ёки эски бошқарувчилардир;

- акциядорлик сармоясими асосан йирик инвесторлар ташкил қилиб, ягона саноат гуруҳига аъзо бўлган компанияларнинг ўзаро акцияларига эгалик қилиш ҳолати муҳим ўрин тутади.

- шахслараро муносабатлар кучли муҳим аҳамиятга эга;
- инсайдерларнинг етакчилиги.

Корпоратив бошқарувнинг америка тизими хусусиятлари АҚШда акциядорлик мулкчиликнинг хусусиятларига бевосита боғлиқдир. Хусусан, америка корпорацияларига бошқа инвесторлардан кўра ўз таъсирини кучлироқ ўтказа оладиган йирик инвесторларнинг йўқлиги хосдир.

Америка корпорацияларининг акциядорлик капитали юқори даражада кичик пакетларга тарқаб кетган бўлиб, АҚШ корпорациялари аксариятининг реестрларида умумий капиталнинг бир фоизидан ошиғига эгалик қилувчи бирорта хусусий шахс ёки институционал инвестор қайд қилинмаган. Натижада акциядорларнинг бирорта гурухи директорлар кенгашига аъзолик қилишга алоҳида дъявогар бўла олмайди. Иккинчи муҳим хусусият шундаки, хусусий шахсларга қарашли бўлмаган акцияларнинг кўпчилиги институционал инвесторлар – нафақа ва ўзаро ёрдам (пайчилик) фондлари қўлида жамлангандир. Бу инвесторлар қўлларида 50%дан ошиқ капитални жамлайди, кўпроқ молиявий менежер сифатида қатнашишга мойилроқ бўлиб, директорлар кенгаши ишида қатнашишга интилмайдилар ва одатда ўzlари йирик пакетга эгалик қилган компаниялар учун мулкчилик ҳуқуқидан келиб чиқадиган масъулиятни ўз зиммаларига олишдан ўzlарини олиб қочадилар.

Акциядорлик капиталининг майдалангани бир мулкдордан иккинчисига акцияларнинг ўтишини осонлаштиради. Майда акциядор ўзига қарашли акцияларни сотиш ҳақида қарорни нисбатан осон қабул қилиши мумкин,

аксинча йирик акциядор учун пакетнинг сотилиши одатда стратегик режаларнинг ўзгаришидан далолат бериши ва сотиладиган акцияларнинг курс қиймати тушиб кетиши оқибатида (бозордаги таклифнинг ортиб кетиши сабабли) йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Америка қимматли қоғозлар бозорининг юқори самаралилиги ва ликвидлиги билан ажралиб туриши майда инвесторлар учун пакетларни сотиш ишини тез ва техник жиҳатдан осон амалга ошадиган қилиб қўяди. Компанияларнинг қўшилиши, қўшиб олиниши, эгалланиб олиниши ва сотиб олинишлари америка фонд бозорининг кенг тарқалган амалиёти бўлиб, бу эса фонд бозорини акциядорлар томонидан менежерлар фаолиятини назорат қилишнинг жуда самарали ва осон амалга оширишга имкон берувчи қуроли қилиб қўяди.

### *Корпоратив бошқарувнинг немис модели*

Немис моделининг АҚШ моделидан фарқли ўлароқ, акциядорлик капиталининг катта қисми бошқа компаниялар эгалигida туради: умумий капиталининг ярмидан кўпини бир - бирининг акцияларига эгалик қилиш тизими ўз ичига олади. Шахсий инвесторлар немис моделида иккинчи йирик инвесторлар гурӯхини ташкил қилса ҳам (немис компаниялари умумий акцияларнинг тахминан 16% ига эгалик қиласди) улар акцияларининг кўп қисми тақдим этувчига сертификати кўринишига эга бўлиб, бу сертификатлар уларнинг эгалари топшириғига кўра, хусусий акциядорлар акцияларининг жуда катта қисми жамланган банклар томонидан бошқарилади. Шунинг учун, Германия компанияларини эркин сотувда бўлган акцияларининг жуда катта улуши (90%дан ортифи) ташкилот- инвесторлар томонидан бошқарилади. (ўзлари акция эгалари бўлмаса ҳам).

Немис компанияларининг акциядорлик капитали йирик акциядорлар қўлида кучли даражада жамланган. Натижада, американлик касбдошларига нисбатан немис мулқдорлари ва улар капиталини бошқарувчи молия институтлари ўз компаниялари билан анча яқин иш муносабатларида бўладилар. Оқибатда, улар мулкчилик хуқуқларидан фаол фойдаланишдан ва компания фаолияти устидан назорат қилишга қатнашишдан кўпроқ даражада манфаатдордирлар. Бошқарув органлари тузилмалари ва улар фаолиятини ташкил қилишнинг турли моделларини баҳолашда, ҳар бир модел ўзининг кучли ва заиф томонларига эга эканлигини тушуниш муҳимдир. Ушбу тизимларнинг ҳар бири ҳам самарали бўлиши мумкин, агар улар мос равишдаги бошқаруви билан ўзлари жойлашган айни бир ижтимоий тизимнинг хуқукий, маданий ва ижтимоий - иқтисодий моҳиятига монанд бўлса.

Шундай тизимни танлаш керакки, мазкур тизим айнан Ўзбекистон учун ўзига хос ечимни ифодалаши ва бошқа давлатларда ишлатилаётган моделларнинг шунчаки нусхаси бўлмаслиги керак. Бошқарувга нозик ёндашувни қўллаб - қувватлаш керак бўлиб, мос равишдаги бошқарув модели нафақат ҳар бир компанияда турлича бўлади, балки айни бир компаниянинг

турли яшаш даврларида ҳам ўзгартириб борилади. Ушбу фикр янги технологиялар ривожи ва иқтисодиётнинг глобаллашувини компанияларнинг қайта ташкил қилиниш суръатлари ўсишига ва корпоратив тузилмаларнинг тубдан ўзгаришларига таъсирини инобатга олганда янада тўғрироқ бўлади. Компаниялар ўз ҳолатига энг мос келадиган, бироқ инвесторлар томонидан самарали қарор қабул қилинишига олиб борадиган ва ахборотларнинг мувофиқ ошкора қилинишини таъминлайдиган самарали тамойиллар асосида қурилган корпоратив амалиётни қабул қилиш масъулиятини ўз зиммаларига олишлари керак.

## **1.2. Агентлик назариялари. Корпоратив бошқарувнинг ёндашувлари.**

“Агент – бошқа инсонлар билан иш қўраётганда бошқа шахс, принципал номидан ҳаракат қиласи. Масалан, савдо агенти товарларни ишлаб чиқарувчининг номидан сотиш учун принципал, товарлар ишлаб чиқарувчиси номидан ҳаракат қиласи. Ҳудди шундай биржа маклери – агент, у мижоз номидан акцияларни сотиб олиш ёки сотиш учун мижоз (принципал) номидан ҳаракат қиласи”<sup>4</sup>.

Агентлар компания номидан ҳаракат қиласи. Директорлар кенгаши ва алоҳида директорлар компанияга бошқа томонлар билан шартномавий келишувлар тузиш мажбуриятини юклашга ҳақли.

Компания номидан ҳаракат қилиш ваколатларининг катта қисми директорлар кенгашига берилганлиги туфайди, директорларда компания фаолияти бўйича кенг ваколатлар (шу жумладан компанияни бошқариш ваколати) мавжуд.

Директорларнинг кучли мавқега эгалиги, айниқса эгалари (унинг акциядорлари) ва директорлар хусусий шахс бўлганларда ушбу ҳокимиятдан фойдаланиш тўғрисидаги масалаларни келтириб чиқаради.

- Қандай қилиб компания эгалари директорлар акциядорларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётганлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин?

- Агар директорлар акциядорлар рози бўлмаган усуллар билан ҳаракат қилишса, акциядорлар директорларни бошқача тарзда ҳаракат қилишга мажбур қилиш учун нима олишади?

### **Директорларнинг фидуциар мажбурияти**

Компания агентлари сифатида директорлар компанияга нисбатан фидуциар мажбуриятга эга. Фидуциар мажбурият – ишонч божи. Директор компания номидан ўта ҳалол ҳаракат қилиши ва ўзининг шахсий

<sup>4</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p. 38

манфаатларини компания манфаатларидан устун қўймаслиги лозим.

Агар директор мазкур фидуциар мажбуриятни бузса ва бунда компания уни судга берса, у қонун бўйича жавобгар бўлиши мумкин.

### **Агентлик муносабатлари назариясидаги тушунчалар: воситачилик муносабатлари**

Агентлик муносабатлари назарияси шундай ғояга асосланганки, дастлаб компания ташкил этилганда унинг эгалари одатда менежерлар бўлади. Компания ўсганда унинг эгалари компанияни бошқариш учун менежерларни тайинлашади. Компания эгалари менежерлар компанияни компания эгаларининг манфаатларини қўзлаб бошқаришини кутишади, шунинг учун воситачилик муносабатлари шакли компания эгалари билан менежерлар ўртасида мавжуд бўлади.

Кўплаб компаниялар қарз олади ва компания узок муддатли капиталининг катта улуши кредитлар, ижара шартномаси маблағлари ва облигациялар (қарз мажбуриятлари, кредит акциялари ва ҳ.к.) нашрлари каби жалб этилган капиталининг турли манбаларидан ҳосил бўлиши мумкин. Асосий кредиторлар ҳам компания қандай бошқарилаётгалигига қизиқишиди, чунки улар компания қарзни фоизлар билан қайтаришига ишонч ҳосил қилишни хоҳлашади.

#### **Воситачилик муносабатлари**

Агентлик муносабатлари назарияси Jensen ва Meckling (1976) томонидан ривожлантирилди. Улар компанияни бошқариш компания эгалари (акциядорлар), унинг менежерлари ва асосий қарз маблағлари берувчилар ўртасидаги низоли манфаатларга асосланган назарияни таклиф этишди.

Ушбу гурухларнинг ҳар бирида турли манфаатлар ва мақсадлар мавжуд.

Акциядорлар ўз даромадлари ва бойлигини оширишни хоҳлашади. Уларни компания дивидендлар шаклида таъминлайдиган даромадлар ва ўз акцияларининг қиймати қизиктиради. Улар акцияларининг қиймати муддатга – компаниянинг молиявий истиқболларига боғлиқ. Шунинг учун акциядорлар дивидендлардан ташвишда, лекин уларни узок муддатли даромад олиш ва молиявий истиқболлар кўпроқ ташвишлантиради, шунинг учун улар ўз акцияларининг қиймати ҳақида қайғуришади.

Менежерлар компанияни акциядорлар номидан бошқариш учун ёлланган.

Бироқ, агар менежерлар компанияда акцияларга эга бўлмаса, улар акциядорларнинг келгуси даромадлари ёки акциялар қийматидан бевосита манфаатдор эмас.

Менежерлар меҳнат шартномасига эга бўлиб, иш ҳақи ишлаб топади. Агар улар акцияларга эга бўлмаса ёки уларнинг мукофот пули компания фойдаси ёки акциялар қиймати билан боғлиқ бўлмаса, уларни ўз мукофот пулининг микдори ва уларнинг компания менежерлари сифатидаги мақоми

қизиқтиради.

- Асосий қарз берувчиларни компания ўз қарзларини тўлиқ ва ўз вақтида қайтаришга қодир бўлиши қизиқтиради.

Jensen ва Meckling воситачилик муносабатларини компания эгалари билан унинг менежерлари ўртасидаги шартнома шакли сифатида таърифлашди, бунда компания эгалари (принципал сифатида) компанияни улар (компания эгалари) номидан бошқариш учун агентни (менеджерларни) тайинлашади. Ушбу шартноманинг бир қисми сифатида компания эгалари бошқарув қарорларини қабул қилиш ваколатларини бошқа шахсларга топшришлари лозим.

Компания эгалари агентлар улар (компания эгалари)нинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишини кутади. Идеал тарзда, компания эгалари билан менежерлари ўртасидаги шартнома менежерлар ҳамма вақт компания эгаларининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишини кафолатлаши керак. Бироқ, “мукаммал шартнома” тузишнинг иложи йўқ, чунки менежерлар (агентлар)нинг қарорлари компания эгаларининг манфаатлари билан бир қаторда ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб ҳам қабул қилинади.

Бу ҳол қандай қилиб менежерлар компания агентлари сифатида акциядорларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишга йўналтирилиши мумкин, деган фундаментал масалани кўтаради?

### **Агентлик низолари**

Агентлик низолари – компания эгалари ва менежерларининг манфаатларидаги фарқ. У бир неча усулларда пайдо бўлди.

- **Ноинсофлик таҳдиidi.**
- **Саъй-ҳаракатлар даражаси.**
- **Даромад даражаси.**
- **Таваккалчиликдан қочиш.**
- **Вақт даври.**
- **Директорлар кенгаши**

### **Агентларни ҳисобга олиш**

Агентлар ўз қарорлари ва ҳаракатлари учун ўз принципали олдида жавобгар бўлишлари керак. Ҳисобга олиш воситалари:

Принципал олдида ҳисбот бериш ва қилинган ишлар ҳақида ҳисбот тайёрлаш зарурлиги.

Принципалнинг унумдорлик ва эришилган ютуқлар ҳақидаги саволларига жавоб бериш зарурлиги.

Агентни яхши ёки ёмон унумдорлик учун мукофотлаш ёхуд жазолаш

хуқуқига эга бўлган принципал.

Катта ҳисобга олиш агентлик муаммосини қисқартириши керак, чунки бу бошқарувга акциядорларнинг манфаатлари учун унумдорлик даражаларига эришишга кўпроқ рағбатлантиради.

Бироқ, ҳисобга олиш ҳаражатлари ҳаддан зиёд бўлмаслиги ва назорат қилиш берадиган устунликлар қийматидан юқори бўлмаслиги керак.

Агентлиги муносабатларининг шархи Emile Woolf Publishing Limited нашриёти томонидан чоп этилган “Govemens. Risks and ethic” китобда ёритилган.

### **Агентлиги муносабатлари – шарх<sup>5</sup>**

	<b>Жамоат листинг компаниялари</b>	<b>Ижтимоий сектор</b>	<b>Хайрия муассасалари ва кўнгиллилар ташкилотлари</b>
<b>Мақсад</b>	Акциядорлик мулкини кўпайтириш	Хукумат сиёсатини бажариш	Хайриҳоҳано мақсадларга эришиш
<b>Агентлар</b>	Директорлар	Менежерлар ва баъзан сайланган вакиллар	Директорлар ва менежерлар
<b>Принципаллар</b>	Акциядорлар	Солиқ тўловчилар ва сайловчилар (демократияда)	Ҳадячилар ва тарафкашларнинг бошқа сервис фойдаланувчилари
<b>Одатдаги бошқарув чоралари</b>	Директорлар кенгashi текширилган - ижрочи директорлар раис	хизматлар кўрсатишнинг энг яхши усулига эришишга интигувчи мураккаб тузилмалар	Мустақил ишончли шахслар олдида масъул бўлган ижроия орган

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) корпоратив бошқарув тамойиллари

*Биринчи тамойил* - акциядорлар учун фойдани максималлаштириш. Компания унинг акциядорлари энг юқори фойда олиши учун ишлайди. Бунда у

---

<sup>5</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p.46.

акциядорлар (мулк эгалари) ёки менежментнинг бирон гурухи эмас, балки барча акциядорлар манфаатларига риоя қилиши лозим.

*Иккинчи тамойил* – молиявий ахборотларнинг очиқлиги. Акциядорлар, шунингдек, тартибга солиш органлари (Ўзбекистонда бу молия бозорлари бўйича Федерал хизмат ҳисобланади) учун компания молияси ҳақида халқаро бухгалтерия ҳисоби андозалари бўйича тайёрланган ва мустақил аудитор текширувидан ўтказилган ахборот очиб берилиши лозим.

*Учинчи тамойил* - компания мулкининг шоффофлик таркиби, менежмент билан боғлик, 5% дан ортиқ акцияларга эга бўлган, акциядорларнинг аффилланган таркиби.

Бунда мулк таркибини якуний мулк эгасигача очиб бериш лозим.

*Тўртинчи тамойил* - оддий акциялар “битта акция – битта овоз” қоидаси бўйича овоз беради. Ушбу тамойилга Ўзбекистон Республикасида риоя қилинади. Акциядорлар қабул қилиши лозим бўлган муҳим қарорлар доим ҳам айнан акциядорларни олган акциялари даражасида қабул қилинмайди.

*Бешинчи тамойил* – директорлар Кенгашини компания акциядорлари сайлайди. Кенгаш уларнинг олдида ҳисбот беради, шунингдек, мустақил директорлар кенгашига компания менежерлари ҳисобланмаган шахсларни қамраб олади.

*Олтинчи тамойил* – корпорацияда рағбатлантириш тизими (иш ҳақи, мукофотлар, опционлар ва ҳакозо) акциядорлар манфаатларига жавоб бериши лозим. Бу компания ходимлари ёки унинг акциядорлари эканлигини, ёки компанияда акцияларни бонус сифатида олишини англатади. Агар менежер унга компаниянинг аҳволига боғлиқ бўладиган қарорлар қабул қиласа, унинг иш ҳақи корхонанинг капиталлашув даражасига тўғридан - тўғри боғлиқ бўлиши лозим.

*Еттинчи тамойил* - корпорациялар қайси мамлакатда фаолият юритаётган булса, ўша мамлакатнинг қонунларига амал қилишлари шарт.

*Саккизинчи тамойил* – ҳукуматлар ва корпорациялар доимий мулоқотда бўлади.

Корпоратив бошқарув тамойиллари бир томондан қонун ҳисобланса, бошқа томонидан доимий тузатиш киритиш жараёнини биргаликда амалга ошириши лозим.

*Корпоратив бошқарув халқаро тамойиллари* қўйидагича ифодаланади. *Европа тикланиши ва тараққиёт банки (ЕТТБ) корпоратив амалиёти ва оқилона ишбилармонлик меъёрлари*. Бу хужжат 1997 йил Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан “Куперс энд Лайбрэнд” компанияси билан биргаликда компанияларга нуфузли кредиторлар ва инвесторлар томонидан инвестиция қарорлари қабул қилишда қайси жиҳатлар кўпроқ ҳисобга олиннишини яхши тушуниш мақсадида тайёрланган. ЕТТБ корпоратив амалиёти ва оқилона ишбилармонлик меъёрларига мувофиқ компанияларга манфаатдор

томонлар билан ўзаро муносабатларда қуидаги тамойилларга амал қилиш тавсия этилади:

1. Мижозлар билан ўзаро муносабатлар:

- чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар юқори сифатли ва рақобатбардош нархи;

- товар ва хизматлар ҳақида тегишли тарзда хабардор қилиш;

- муносабатларда ўзоқ муддатли истиқбол.

2. Ходимлар билан ўзаро муносабатлар:

- меҳнат қонунчилигига, жумладан, меҳнатни ҳимоя қилиш ва гигиена меъёрларига риоя қилиш;

- ишга қабул қилиш, ҳақ тўлаш, хизмат бўйича ҳаракатланиш ва камситилмаслик бўйича аниқ тамойиллар мавжудлиги;

- ходимларнинг касаба уюшмалари фаолиятида қатнашиш хукуқини ҳимоя қилиш.

3. Таъминотчилар билан ўзаро муносабатлар:

- аниқ ва ошкора харид тамойиллари;

- Ҳисоб рақамлар бўйича ўз вақтида тўлаш;

- порахўрликни таъқиб қилиш;

- манфаатли битимлардан воз кечиш.

4. Жамоатчилик билан ўзаро муносабатлар:

- маҳаллий аҳолининг фикри ва манфаатларини ҳисобга олиш;

- атроф - муҳитни асраш бўйича талабларга риоя қилиш.

5. Давлат органлари ва маҳаллий хукumatлар билан ўзаро муносабатлар:

- солиқлар тўлаш;

- барча мажбурий меъёрларга амал қилиш;

- барча зарур рухсатнома ва лицензиялар олиш;

- манфаатдорликнинг йўқлиги.

6. Компаниянинг акциядорлар билан ўзаро муносабатлари энг муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан оқилона ишбилармонлик меъёрларида қўйидаги тавсиялар мавжуд:

- компанияни бошқариш таркибиға нисбатан;

■ компания низомида акциядорлар ва бошқарув органларининг вазифалари ва мажбуриятларининг аниқ белгилаб қўйилиши;

- ваколатларнинг ижроия органи, директорлар кенгаши ва умумий йиғилиш ўртасида аниқ тақсимланиши;

- акциядорлар ҳукуқларига нисбатан;

- акциялар йирик пакетларининг реал эгалари ва овоз бериш қоидаларини эълон қилган ҳолда акциядорлар таркибиға нисбатан ошкоралик;

- акцияларнинг “майдаланиб” юборилиши ёки бошқа йўқотишлардан ҳимоя қилиш учун майда акциядорлар ҳукуқларини ҳурмат қилиш;

- ахборотни очиб беришга нисбатан;

- акциядорлар билан мунтазам ва очиқ алоқа. Аудитор томонидан тасдиқланган ҳисоботлар, компания фаолияти ҳақида маълумотлар ва раҳбарият томонидан қабул қилинган асосий қарорлар бўйича йиллик ҳисоботга киритилган ишлаб чиқариш - молия фаолияти шарҳи кўринишидаги изоҳлар тақдим этиш;
- директорлар Кенгашига нисбатан;
- директорлар Кенгашидан самарали ишлаш учун вақт ва билимнинг, шунингдек, зарур маълумотларнинг мавжудлиги. Мустақил қўмиталар ташкил қилиш (тафтиш қўмитаси, мукофот қўмитаси, ишга тайинлаш қўмитаси);
- директорларнинг битим тузишдан манфаатдорлиги ҳақидаги ахборотни очиб бериш (манфаатлар низоси);
- харажатлар ва қарама - қаршиликлар тизимиға нисбатан;
- компаниянинг стратегик мақсадлари ва сиёсати ҳақида, компанияга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисалар ҳақида ахборот тақдим этиш, бошқарув органларини барча муҳим жиҳатлар ҳақида тегишли тарзда хабардор қилиш;
- тегишлича ички назорат, ахборот алмашиниш ва жамоа бўлиб қарор қабул қилиш; манфаатлар тўқнашувини аниқлаш жараёни мавжудлиги; компания фаолиятини раҳбарият томонидан самарали назорат қилиш, жумладан, пул маблағлари ҳаракатини назорат қилиш;
- директорлар кенгашига ҳисбот берадиган малакали ички тафтишчилар ва назоратчилар мавжудлиги; мустақил ташқи аудиторлар мавжудлиги.

Евроакциядорлар корпоратив бошқаруви асосий тамойиллари 1990 йил Европа акциядорлар (қисқача номи- Евроакциядорлар) ассоциациялари Конфедерацияси ташкил қилинган бўлиб, унинг таркибига саккизта миллий акциядорлар ассоциацияси (Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Дания, Испания, Франция ва Швеция) кирган. Ташкилотнинг асосий вазифаси – Европа Иттифоқи алоҳида акциядорларининг манфаатларини ифодалаш, майда акциядорларни ҳимоя қилиш, капиталлар бозори очиқлигини таъминлаш, Европа компанияларида акциядорлик капитали қийматини ошириш, корпоратив бошқарув масалаларини қўллаб - қувватлаш ҳисобланади.

Европа иттифоқи ҳамкорлиги ташкилоти (ЕИХТ)нинг бешта тамойили асосида Евроакциядорлар ўз дастурларини, Корпоратив бошқарув асосий тамойилларини ишлаб чиқкан бўлиб, унда компания мақсадлари, овоз бериш ҳуқуқлари, қўшиб олишдан ҳимоя қилиш, ахборот ҳуқуқи ва директорлар кенгашининг ролига нисбатан қатор тавсиялар акс эттирилган. Улар қўйидагилардан иборатdir:

- компания аввало узоқ муддатли истиқболда акциядорлик капитали қийматини максималлашга интилиши лозим. Компаниялар ўз молиявий мақсадлари ва стратегиясини ёзма шаклда аниқ кўрсатиши ва буни йиллик ҳисоботга киритиши лозим;

- компания табиати, ҳажми, структураси ва рискига жиддий таъсир эътувчи асосий қарорлар ва компания акциядори учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарорлар акциядорлар томонидан тасдиқланиши ёки акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилиниши лозим;
- қўшиб олишга қарши ҳимоя воситалари ёки акциядорлар таъсирини чеклайдиган бошқа воситалардан қочиш зарур;
- қўшиб олиш ва бирлаштириш жараёнлари тартибга солиниши, бу қоидаларга амал қилиниши назорат остида бўлиши лозим;
- агар акциядорнинг мулк улуши белгиланган микдорга етадиган бўлса, бундай акциядор қолган акцияларни оқилона шартларда, яъни компания устидан назоратни қўлга киритиш учун тўлов сифатида тўланадиган нархда сотиб олиши керак;
- компаниялар акциялар қийматига таъсир этиши мумкин бўлган ахборотни, шунингдек, 5% мулк чегирмасидан ўтган (камайган ёки қўпайган) акциядорлар ҳақида ахборотни дарҳол маълум қилишлари лозим. Бу талабга риоя қилинмаган ҳолларда жиддий жаримаchorалари қўлланади;
- аудиторлар мустақил бўлиши ва акциядорлар умумий йиғилишида сайланиши лозим;
- акциядорлар йиғилиш кун тартибига масалалар киритиш имкониятига эга бўлиши лозим;
- ахборот тарқатиш оддий каналларидан ташқари, компания акциядорларга акциялар қийматига таъсир этиши мумкин бўлган ахборотни етказиш учун электрон воситалардан фойдаланиши лозим;
- акциядорлар кенгашнинг камидаги битта аъзосини сайлаш ҳуқуқига, шунингдек, Кенгаш аъзосини бўшатиш масаласини кўтариш имкониятига эга бўлишлари лозим. Сайлангунга қадар акциядорлар Кенгаш таркиби сайлаш учун номзодлар таклиф қилиш имкониятига эга;
- Кузатув кенгаши аъзоси сифатида бир погонали тизимда ҳам, икки погонали тизимда ҳам ноижрочи директорларнинг Кенгаш таркибидаги аъзолиги 12 йилгача бўлган муддат билан чекланиши лозим;
- Кенгаш таркибида Кенгаш собиқ ижрочи аъзолари қаторидан бўлган биттадан ортиқ ноижрочи аъзо бўлиши мумкин эмас.

*Калифорния пенсия фондининг корпоратив бошқарув буйича глобал тамойиллари (CalPRES).* Акциядорлик ҳаракатининг ривожланишида институционал инвесторлар, масалан, АҚШда энг йирик ва фаол пенсия фондларидан бири бўлган CalPRES (California Public Employees' Retirement System) муҳим роль ўйнайди. Бу фонд 80 - йилларнинг бошларида ташкил этилган бўлиб, америка молия бозорида ҳаракат қилишдан ташқари хорижий компанияларга инвестициялар киритади.

1996 йил CalPRES эълон қилган Корпоратив бошқарув глобал тамойиллари (матнда кейинчалик – CalPRES тамойиллари) қуидагилардан иборат:

1.Хисобот бериш:

- директорлар Кенгаши ёки Кузатув кенгаши акциядорлар олдида хисобот бериши лозим;
- директорлар Кенгаши менежментни назорат қилиш имкониятига, инвесторлар эса директорлар Кенгашини назорат қилиш имкониятига эга бўлишлари лозим;
- менежментни мукофотлаш компания фаолиятининг узқ муддатли натижалари билан боғлиқ бўлиши лозим.

2.Шоффоффлик:

- глобал рақобатли бозорлар компаниялар тақдим этаётган ахборотнинг ишончлилиги ва шоффофлигига боғлиқ бўлади;
- компаниялар бухгалтерия ҳисоби халқаро андозаларини тан олишлари лозим;
  - компаниялар акциядорлар олдида энг яхши амалиёт компания кодексига амал қилиш ҳақида ҳисобот беришлари лозим.

3. Адолатлилик:

- компаниялар миноритар акциядорларни ҳурмат қилиши лозим. Улар барча акциядорларга нисбатан адолатли муносабатни таъминлашлари лозим;
- битта акция унинг эгасига умумий йиғилишда битта овоз хукуқини бериши керак.

4. Овоз бериш усуллари:

- ишонч қофозлари аниқ, қисқа бўлиши ва акциядорларга мос келувчи ахборот тақдим этиши лозим;
- акциядорларнинг шахсан ёки ишонч қофози асосида берилган барча овозлари расман ҳисоблаб чиқилиши ва эълон қилиниши лозим;
- ишонч қофози асосида овоз бериш жараёнини соддалаштириш учун янги технологиялардан фойдаланиш лозим.

5.Энг яхши амалиёт кодекслари:

- барча бозорлар компания менежменти ва директорлари уларга амал қилиши мумкин бўлган мос келувчи энг **яхши амалиёт** кодексларини ишлаб чиқиши лозим;
- компаниялар энг **яхши амалиёт** кодексларида баён қилинган тамойилларга амал қилишлари лозим;
- бозор қатнашчилари вақти - вақти билан энг **яхши амалиёт** кодексларини қайта кўриб чиқишлари лозим.

Яхши бошқарув тамойиллари Emile Woolf Publishing Limited нашриёти томонидан чоп этилган “Govemens. Risks and ethic” китобда санаб ўтилган.

Яхши бошқарув тушунчаси:

- Адолат

- ошкоралик
- мустақиллик
- ҳалоллик ва комплекслик
- жавобгарлик ва ҳисбот
- обрӯ
- хукм
- ижтимоий хайёт
- Нукм<sup>6</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2003 йилдаги ПФ-3202-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича 19.04.2003 йилдаги 189 - онли Қарорига биноан:

- айrim меъёrlар ўз кучини йўқотди: давлат акция пакети бошқарувчиси овоз бергандағина Кузатув кенгаши қарори қабул қилиши, давлат ишончли вакили умумий йиғилиш қарорининг бажарилишини тўхтатиши мумкинлиги, давлат акция пакетлари хўжалик бирлашмаларига бошқариш хуқуқи билан берилиши;

- Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига аъзолик билан акциядорлик жамиятда ёлланма меҳнат билан боғлиқ фаолиятни қўшиб олиб борилишига йўл қўймаслик;

- кўпроқ танлов асосида директорни (Бошқарув хайъати раисини) акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланиш тартиби ўрнатилди, ёллаш шартномаси бир йил муддатга ҳар йили умумий йиғилиш тасдиғи билан тузилади, айrim ҳолларда эса унинг муддатини узайтириш ёки тўхтатиш хақидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади;

- бизнес - режанинг бажарилиши хақида Ижроия органи ҳар чоракда Кузатув кенгаши олдида ҳисбот бериш тартиби қабул қилинди. Кўпол четлашишларда ёки мазкур режанинг бажарилиши хавф остида қолганда Кузатув кенгаши зудлик билан ёллаш шартномасини муддатидан илгари тўхтатиш хукуқига эга;

- ижро этувчи директорларнинг ва Кузатув кенгашларининг моддий рағбатлантирилиши акциядорлик жамияти фаолиятининг самарасига бевосита боғлиқлиги белгиланган;

- корхона фаолиятига хўжалик бирлашмаларининг асоссиз аралашувини олдини олиш бўйича чора - тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, корхоналарни моддий - техник ресурслар билан таъминланишининг бозор иқтисодиёти механизмларини кенг кўламда татбиқ қилиш масалалари қўйилган;

- давлат акция пакетларини (улушини) профессионал бошқарувчи компанияларга босқичма - босқич ишончли бошқарувга бериш назарда

---

<sup>6</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p.23.

тутилган;

- давлат акция пакетларини (улушларини) бошқариш бўйича харажатлар давлат акция пакетларига ҳисобланган дивиденdlар ҳисобига, улар етмаганда давлат мулкини ҳусусийлаштирилишидан тушган умумий маблағ ҳисобига амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ – 335 - сон 26.04.2006 йилдаги Қарорига биноан:

- ҳусусийлаштириш ва корпоратив секторда давлат активларини бошқариш усуллари тубдан қайта кўриб чиқилди;

- йиллик бизнес - режаларни тасдиқлаш ва амалга оширишда ижро интизомининг оширилиши, ҳамда бизнес - режаларнинг бажарилиши устидан корпоратив назоратнинг таъминланиши бўйича кузатув кенгашлари, давлат ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг масъулиятини кучайтириш зарурияти белгиланди;

- кузатув кенгашларининг ҳисбот бериш масъулиятини кучайтириш ва хўжалик жамиятларидаги корпоратив бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланди;

- Давлат мулки қўмитаси органлари ишидаги камчиликларни бартараф этиш, ҳусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни таъминлашга доир тадбирлар тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида” ПҚ – 475 - сон 27.09.2006 йилдаги Қарорида 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастури тасдиқланган бўлиб, унда:

- корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш ва янги акциядорлик жамиятларини ташкил қилиш ҳисобига қимматли қоғозларнинг иккиласми бозорини янада ривожлантириш;

- қимматли қоғозлар иккиласми бозорини жадал ривожлантириш ва кўламини кенгайтириш;

- акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш;

- фонд бозори замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва унинг моддий - техник базасини мустаҳкамлаш;

- қимматли қоғозлар бозори учун кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора - тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарни самарали бошқаришни ва давлат мулки ҳисоби лозим даражада юритилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ҳақида” 215 - сон 16.10.2006 йилдаги Қарори акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни мустаҳкамлаш ишида навбатдаги қадам

бўлиб, унда асосий эътибор корпоратив назорат тизимига қаратилган ва қўйидаги хужжатлар қабул қилинган:

- Давлат корхоналари ҳақида низом;
- Ички аудит хизмати ҳақида низом;

-Давлат акция пакетларини (улуши) ишончли бошқарувга бериш тартиби ҳақида низом.

Бизнес иқлимнинг ўзгаришига қўйидагилар киради:

- марказлаштиришни йўқотиш;
- бизнес иқлимнинг бекарорлиги, глобаллашув;
- технологияларнинг тез ўзгариши;
- жамоатчиликнинг ҳулқقا ва порахўрликка қарши катта эътибори (масалан, «Корпоратив ижтимоий масъулият ҳақида минг йилликнинг жамоатчилик фикри» сўрови натижалари);
- меҳнат кучининг ва бозорларнинг хилма-хиллиги;
- оммавий ахборот воситаларининг изланишлари.

Айрим жорий масалалар ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади:

- ўз мақсадлари бўйича ишлатилмаётган маблағлар;
  - қонунларнинг амалиётга номувофиқлиги;
  - порахўрлик вазияти, жуда паст тадбиркорлик фаолияти;
  - акциядорнинг фаоллиги – Кузатув кенгаши, компания раҳбарияти ҳисоб бериб туриши лозим;
- Сифат ва унумдорликка ходимнинг муносабати. «Шахсий фикр ва гурух ёки раҳбарият фикрига эргашиш»

Илгари инвесторлар ўз диққатини инвестициялар учун одатий бўлган таваккалчиликларда жамлар эди:

- инвестицияларнинг молиявий қайтиши;
- сиёсий барқарорлик / самарадорлик;
- бошқариладиган сугурта сиёсати;
- ривожланган молиявий тузилма;

Хозирги пайтда инвесторлар қўпроқ қўйидагиларга эътибор бермоқда:

- корпоратив раҳбарият;
- ижтимоий масъулият.

Заиф корпоратив бошқарув корпорацияларга инвестицияларнинг келишини чеклайди ва оқибатда ўсиш ва ривожланишни ҳам чеклайди. Корпоратив раҳбариятнинг самарадорлигига кўр-кўrona ишониш керак эмас. Корпоратив бошқарув глобал капитал учун курашишда тобора муҳимроқ омил бўлиб бормоқда. Ўз ихтиёри билан қабул қилинган «Бизнес ҳулқ кодекси» қонуний ва ҳулқقا мувофиқликни қувватлашда раҳбариятни яхшилаш жараёнидаги биринчи қадам бўлмоқда.

### **1.3.Бошқарув жараёнида ички назорат, ҳисоб ва аудит тизимлари**

Бугунги кунда кўпчилик компаниялар, банклар, давлат ташкилотлари ва бошқа катта хўжалик юритувчи субектлар ўзида ички аудит бўлими ташкил этади.

“Ички аудитнинг вазифаларини қўйидагича тушиниш мумкин:

“Ички аудит” – ташкилотнинг фаолиятини яхшилаш ва фойдасини ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилган мустақил, обектив ва кафолатли маслаҳатлик фаолияти. У ташкилотни белгилаб олган мақсадига эришишга ёрдам беради, рискларни самарали бошқариш ва баҳолашни яхшилаш учун назорат ва бошқариш усулларини муентазам етказиш ҳисобланади (Ички аудиторлар институти)

Ички аудитнинг мақсади ўз мажбуриятларини самарали бажаришда бошқарувга ташкилотга ёрдам беришни ташкил этади. Шу мақсадда ички аудит бир қанча маълумотларни кўриб чиқади, таҳлил қиласи, баҳолайди ва таклифлар билдиради.”<sup>7</sup>

#### **Ички аудиторлик фаолияти**

Юридик шахслар учун ички аудит бўлими кўйилган ҳеч қандай ҳуқуқий талаблар йўқ. Ички назоратни самарали текшируви зарургина холос. Бироқ, бу текширув корхонанинг оператцион менежерлари ва бухгалтериядаги менежерлар ёки ташқи бухгалтерлик ҳамда аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Агарда компанияяда ички аудит вазифасини бажарувчи бўлмаса, бундай ҳолатда у ташқи фирмаларнинг бухгалтерлари ёки аудиторлик фирмларидан ички аудит вазифасини бажарувчини ёллаши мумкин.

Агар юридик шахсда ҳақиқатда ички аудит бўлими мавжуд бўлса, у ҳолда бўлим қўйидаги вазифаларни ўз ичига олиши зарур:

**Ички назорат тизими қисмларини кўриб чиқиши.** Анъанага кўра ички аудиторлар молиявий маблағлар текширувини амалга оширадилар. Ички аудитор томонидан қилинган ишлар ташқи аудитор билан ички аудитор ҳамкорликда ишлаганда, ташқи текширувда талабга қараб қисқартирилиши мумкин. Молиявий маблағлар назоратидаги камчиликлар ҳақида юқори бошқарув органига ва ташқи аудиторга хабар қилиши лозим. Модомики ички аудиторлар молиявий маблағлар назоратини амалга оширас экан, бунинг учун улар одатда профессионал бухгалтер ёки бухгалтер ёрдамчиси бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Махсус текширув.** Ички аудитордан алоҳида бўлим ёки ўзига хос оператцияни махсус текширувини амалга ошириш сўралиши мумкин. Бу текширувлар бўлим менежерлари томонидан талаб қилиниши мумкин.

<sup>7</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p.186.

**Унумдорлик.** Унумдорлик фойдаланилаётган ресурслардан ко‘проқ натижага эришишни назарда тутади.

**Риск даражасини баҳолаш.** Ички аудиторлар рискларни бошқаришда уларни баҳолаш ва идентификатсиялаш ишларини амалга оширишлари мумкин.

**Аудитнинг мувофиқлиги.** Ички аудиторлар юридик шахснинг атроф-мухит, хавфсизлик ва соғликни сақлаш билан боғлиқ маҳсус қоида ва нормаларга амал қилинаётганлигини тасдиқлаш мақсадида ҳам текширувларни ўтказишлари мумкин.

**Стресс-тестлар.** Ички аудиторлар юридик шахслар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган бозор конюнктурасининг ёмон томонга ўзгариши ёки ҳалокат содир бўлишини инобатга олган ҳолда тузилган тестларни тақдим қилишлари мумкин.

Ички аудиторлар ташкилот олдида турган ички ва ташқи рискларни идентификатсиялаш ва баҳолашда юқори бошқарув органига ёрдам беришлари зарур. Буни бажариш учун улар бизнес ҳақида яхши тушунчага эга бўлишлари керак.

### **Ички аудиторлар: мустақиллик, ҳолислик ва статус.**

#### **Мустақиллик**

Ички аудиторлар ҳолис таҳлил ва таклифларни таъминлашлари учун, улар турли манфаатлар низолари ва хато хулоса чиқарадиган ҳолатлардан ҳоли бўлишлари лозим.

Ички аудиторлар мустақил бўлишлари қийин, чунки улар компаниянинг штатидаги ҳодим ҳисобланишади. Улар компаниянинг даромади ва келажакдаги мавқеи билан боғлашлари мумкин. Ички аудиторлар барча маълумотлар ҳақида бошқарув органини хабардор қилишлари керак, чунки улар ўзларининг барча қўлланмаларни бошқарувчи шахслардан олишади. Бу уларнинг маълумот етказаётган менежерининг обрўсига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Охир оқибатда, менежерлар уларни мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилишлари керак бўлади.

Ички аудиторлар билан бошқа бўлим менежерлари ўртасида муаммо юзага келмаслиги керак, аммо ўз бўлимлари менежерлари билан катта муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

#### **Ҳолислик**

Ички аудиторлар ташқи аудиторлар каби ҳолис бўлишлари лозим, чунки улар ички назорат ва баҳолаш текширувини амалга оширишлари зарур, бу эса бошқарув воситалари самарадорлигини учун бир қанча зарур ҳисобланади. Уларнинг маслаҳат ва таклифлари бошқа менежерларнинг таъсиридан ҳоли ва ҳолис бўлиши керак.

## **Статус**

Ички аудит бўлими юқори бошқарув органига ахборот етказиши зарур – қанча юқори бўлса шунча яхши. Шунинг учун ички аудиторлар иложи борича юқори даражадаги бошқарув органига ахборот етказгани маъкул.

“Банк тизимини назоратини амалга оширувчи Базел +о‘митасининг ички назорат ҳисботига ко‘ра (1998): ички аудитнинг вазифалари бу о‘рнатилган сиёsat ва жараёнлар орқали муцақил баҳолашни та’минлайдиган ички назоратнинг муҳим бир қисми ҳисобланади. Ички аудиторлар компания ҳақида аник ва хаққоний ахборотларни юқори бошқарув органига ва аудиторлар қо‘митасига тақдим қилиши лозим”<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида” ПҚ – 475 - сон 27.09.2006 йилдаги Қарорига асосан активларининг баланс қиймати 1 млрд сўмдан кўп бўлган корхоналарда, активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг каррасидан кўпроқ бўлган акциядорлик жамиятларида эса ички аудит хизматлари ташкил этилади, мазкур хизматлар кузатув кенгашлари томонидан тайинланади ва уларга ҳисбот беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 215-сон 16.10.2006 йилдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорига илова сифатида “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом” қабул қилинди.

Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан келтирилган

**“Ички аудит** - корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботда акс эттирилишининг тўлиқлилиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти;

**Ички аудит хизмати** - мазкур Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда корхона Кузатувчи кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган корхонанинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси”<sup>9</sup>

**Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:**

<sup>8</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p.188-189

<sup>9</sup> “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом” Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 2-илова.

кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

### **Ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар**

Ички аудит хизмати ходимлари охирги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солик назорати соҳасида амалий (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) иш стажига эга бўлиши ва қуидаги талаблардан биттасига жавоб берishi керак:

аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш.

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби аудиторларнинг республика профессионал жамоатчилик бирлашмалари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак ҳамда корхонанинг кузатувчи кенгаши томонидан сертификацияланган икки нафардан кам бўлмаган ички аудитордан иборат этиб белгиланади.

Қуидагилар ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари ҳисобланади:

ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, корхона кузатувчи кенгашининг қарорлари бўйича уларга иш ҳақи миқдорини ва бошқа тўловларни белгилаш; корхона кузатувчи кенгашига бевосита бўйсуниш.

### **Ички аудит:**

тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;

корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;

активларнинг ҳолатини;

ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориши йўли билан фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Кузатувчи кенгаш томонидан корхона ихтисосидан келиб чиқиб қонун хужжатларига мувофиқ текширишни ўтказишнинг бошқа йўналишлари белгиланиши мумкин.

Ўтказилган ички аудит якунлари бўйича ички аудит раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисобот тузилади.

Йиғма ҳисобот:

таҳлилий қисмни;

якуний қисмни;

тасдиқлайдиган хужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олиши керак.

Йиғма ҳисоботлар бевосита корхонанинг кузатувчи кенгашига унинг кўриб чиқиши ва кейинчалик тасдиқлаши учун тақдим этилиши керак. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин корхона ижро этувчи органига тақдим этилиши керак.

Корхонанинг ижро этувчи органи ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек умуман корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши керак.

Корхонанинг кузатувчи кенгаши ҳар чоракда ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради

### **Махсус адабиётлар:**

1. Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011
2. Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May, 2009
3. David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, 2010, 2011 South-Western Cengage Learning Mason, OH, USA

---

### **Интернет ресурслар:**

1. [www.iiia.org.uk](http://www.iiia.org.uk)- (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom).
2. [www.apb.org.uk](http://www.apb.org.uk) - (Auditing Practices Board).
3. [www.nao.gov.uk](http://www.nao.gov.uk) - (UK National Audit Office).
4. [www.iasc.org.uk](http://www.iasc.org.uk) - (International Accounting Standards Committee).
5. [www.aicpa.org](http://www.aicpa.org) - (American Institute of Certified Public Accountants).
6. [www.aaa.us](http://www.aaa.us) – (American Accounting Association)
7. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
8. <http://www.ifac.org>. – International Federation of Accountants (IFAC)

## **2 – Мавзу: Рисклар ва уларни бошқариш**

**Режа:**

### **1.1. Рисклар ва уларни бошқариш асослари.**

**1.2. Рискларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳисоблаш. Рискларни бошқаришнинг самарали йўллари.**

**1.3. Рисклар мониторинги, уларни камайтириш ва моделлаштириш масалалари.**

**Таянч иборалар:** назорат, ички аудит, ташқи аудит, назорат, равишанлик, устав, низом, йўриқнома, регламент, молиявий директор, маъсуллияти чекланган жамият, қўшимча масъуллияти жамият, оператив, ижроия органи, ваколатхона, облигация.

### **1.1. Рисклар ва уларни бошқариш асослари.**

Соғлом бозор иқтисодиёти шароитида давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари устидан жавобгарликни ўз зиммасига олмайди ва рискнинг оқибатлари эса тадбиркорнинг зиммасига тушади.

Рисксиз бизнес бўлиш мумкин эмас. Риск тадбиркорнинг фаолият юритиши бўйича қарор қабул қилишдаги мустақиллигининг маҳсулидир.

Миллий иқтисодиётда бозор муносабатларининг кучайиши билан рақобат мухити ҳам кучая боради. Кучли рақобат мухитига бардош бериш учун ишлаб чиқариш жараёнига техникавий янгиликларни жорий этиш заруриятини туғдиради ва оқибатда рискни кўпайтиради.

Бундай ҳолда рискни баҳолаш ва унинг натижасида кутилаётган зарарларни олдини олиш мухим ҳисобланади.

Emile Woolf Publishing нашриёти томонидан чоп этилган “Govemens. Risks and ethic” асарида риск икки тоифага бўлинган:

“ Рисклар икки тоифага ажратиш мумкин:

- соф риск
- спекулятив риск

Соф риск (салбий риск)

Салбий риск деб номланган соф риск, салбий воқеа содир бўлади, бундай рискга сабаблар бор деб хисоблайди. Тадбирлар кутилганидан ёмон бўлиши мумкин, ва улар кутилганидан яхшироқ бўлиши мумкин эмас...

Спекулятив риск (икки томонлама риск)

Хақиқий бўлажак тадбир ёки натижа кутилганидан хам яхшироқ ёки ёмонроқ бўлиши мумкин бўлса спекулятив риск, шунингдек, икки томонлама хавф мавжудлигини англатади”.<sup>10</sup>

Бозор иқтисодиёти шароитида рискларни қуийдаги турларга ажратиш мумкин:

<sup>10</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p.214.

1. Ишлаб чиқариш риски;
2. Тижорат риски;
3. Молиявий риск.

Ишлаб чиқариш риски маҳсулотлар, товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш билан ёки ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳар қандай турини амалга ошириш билан боғлиқдир. Бу рискни вужудга келиш сабабларининг энг муҳимлари қуидагилардан иборат:

- а) ишлаб чиқариш ҳажмининг кўзда тутилган даражасидан пасайиши;
- б) моддий ёки бошқа харажатларнинг ўсиши;
- в) юқори даражадаги (орттирилган) соликларни ва бошқа ажратмаларни тўлаш ва х.к.

Тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган товарлар, маҳсулотлар ва хизматларни сотиш жараёнида вужудга келадиган риск – тижорат риски, дейилади. Бу рискнинг сабаблари қуидагилар бўлиши мумкин.

- а) бозор конъюнктурасиннинг ўзгариши натижасида савдо ҳажмининг камайиши;
- б) маҳсулотларни сотиш баҳосининг кўтарилиши;
- в) сотиб олиш ҳажмининг кўзда тутилмаган ҳолда пасайиши;
- г) муомала жараёнида маҳсулотларнинг кўпайиб кетиши ва бошқалар.

Молиявий риск – бу корхонанинг банклар ва бошқа молиявий институтлар билан вужудга келадиган муносабатлари соҳасидаги рисклардир. Корхона фаолиятининг молиявий риски, аксарият ҳолларда, у қарз маблағларининг ўз маблағларига муносабати (нисбати) билан ўлчанади. Масалан, корхона қарз маблағларининг ўз маблағларига нисбати қанча юқори бўлса, бу корхона шу даражада ўз фаолияти давомида кредиторларга боғлик бўлиб қолади. Шунга мос равишда молиявий риск ҳам шунча юқори бўлади, чунки кредитлашнинг тўхтатилиши ёки кредит шартларининг оғирлашуви натижасида хом-ашё, материаллар ва бошқаларнинг етарли эмаслиги туфайли ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолиши мумкин.

Emile Woolf Publishing нашриёти томонидан чоп этилган “Govemens. Risks and ethic” китобида рискларни турли категориялари келтирилган:<sup>11</sup>

- бозор риски
- кредит риски
- ликвидлиги риски
- технологик риск
- хукуқий риск
- соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва атроф риски
- обрў риски
- бизнес поклик риски.

<sup>11</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p.220.

Халқаро амалиётда “Риск-менежмент” деган атама тез-тез ишлатилиб турилади. Йирик саноат ишлаб чиқариш концернлари ва компаниялари ўз таркибларида рискларни бошқариш билан шуғулланадиган бўлинмаларга эга. Улар нафақат, эҳтимол тутилган хавф-рискларни олдиндан башорат қилишади, балки уларни камайтириш, олдини олиш ва чеклаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқадилар. Бу чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этиш мазкур компания ва концернларни рақобат шароитида барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бизнинг фикримизча, хавф-рисклар <sup>а</sup>ки бошқача айтганда риск- тасодифий рўй берадиган ҳодиса бўлиб, у инсон ҳоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмайди.

## **1.2. Рискларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳисоблаш. Рискларни бошқаришнинг самарали йўллари.**

Ривожланган хорижий мамлакатлар йирик фирмаларининг қўпчилиги риск бўйича маҳсус менежерга эгадир. У фирма фаолиятининг бошқа соҳаларида иш олиб бораётган бошқа менежерлар билан биргаликда риск рисклари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади. Хусусан, молиявий менежер билан биргаликда риск даражасини аниқлаш масалалари, молиявий фаолият ҳамма турларининг оқибатларини баҳолаш, қимматбаҳо қофозларга инвестицион рискларини баҳолаш ва бошқалар билан шуғулланади. Кўпгина муаммоларни риск бўйича менежер маркетолог, ходимлар бўйича масъул бўлган менежер ва техника хавфсизлиги бўйича муҳандис билан биргаликда ҳал этади.

Рискни баҳолаш ҳар бир тадбиркорнинг вазиятни идрок этишига бевосита боғлиқдир. Риск даражасини тўғри танлаш тадбиркорнинг муваффақиятга эришиши ёки муваффақиятсизликка учраши билан боғлиқ бўлган қарори билан белгиланади. Баъзи тадбиркорлар, одатда янгиликларга ҳаддан ташқари интилмасдан, ҳар қандай рисқдан қочиб қутилишга ҳаракат қиласидилар. Бошқа бир тадбиркорлар эса, риск юқори бўлган қарорларни қабул қилиш йўлини танлайдилар. Шу билан биргаликда, улар агар рискни бошқариш имкони чекланган бўлса рисқдан қочишига ҳаракат қиласидилар. Шу тоифадаги тадбиркорлар маҳоратларига тўла ишонсалар, улар энг қийин ёки мураккаб ҳолатларда ҳам рискли қарорларни қабул қиласидилар. Тадбиркорнинг рискли қарор қабул қилиши, кўп жиҳатдан, ноаниқлилик шароитида қабул қилинган шунга ўхшаш қарорларнинг амалга оширилиши натижалари таъсири туфайли шаклланади. Агар шунга ўхшаш қарор қабул қилиш натижасида ўтган даврда зарар кўрилган бўлса, тадбиркорда эҳтиёткорроқ фаолият юритишга, аксинча, муваффақиятга эришилган бўлса яна риск қилишга етаклайди.

Тадбиркорларнинг қўпчилиги рисксиз лойиҳаларни танлаши, табиий. Лекин шу билан бирга, рискка бўлган муносабат кўп жиҳатдан тадбиркор эга бўлган инвестиция ҳажмига боғлиқдир. Тадбиркорнинг инвестицияси 100 млн. сўмга teng бўлса, у учун 30 млн. сўмлик зарар жуда катта қийматдаги зарардир.

Агар тадбиркор 10 млрд. сўмлик инвестицияга эга бўлса, у ҳолда 30 млн. сўм билан риск қилиш мумкин. Кўриниб турибдики, тадбиркорлар риск даражаси белгилашда кутилаётган заарнинг қиймати билан аниқлайдилар ва риск муайян қиймат чегарасидан ўтгунга қадар қўрқмасдан риск қиласидилар.

Қарорларнинг муқобил варианtlарини баҳолаш жараёнида тадбиркор бўлиши мумкин бўлган молиявий натижаларнинг истиқболини белгилаши лозим. Лекин бу ерда қуидаги саволларнинг туғилиши табиий: Қандай шароитларда бундай таҳлил амалга оширилади? Аниқлилик шароитидами? Рискли шароитдами? Ноаниқлиликдами? Ва қандай қарорлар қабул қилинади?

Шуни таъкидлаш лозимки, агар тадбиркор ҳар бир муқобил вариант қарорларининг натижаларини аниқ билса, қарор аниқлилик тартибида қабул қилинган ҳисобланади. Мисол тариқасида бунга депозит сертификатлари ва давлат облигацияларига қўйилган инвестицияларни қўрсатиш мумкин. Чунки бундай ҳолларда қўйилган маблағларга йиллик, масалан, 80 фоиз даромад олиниши олдиндан маълум бўлади.

Рискли шароитда қабул қилинган қарорларга ҳар бир олиниши мумкин бўлган натижаларнинг эҳтимоли маълум бўлган қарорлар киради. Бу ҳолда эҳтимоллик маълум воқеликлар содир бўлиши имкониятининг даражаси сифатида аниқланади ва у “0” дан “1”гача ўлчанади. Ҳамма муқобиллар эҳтимолларининг йифиндиси “1” га teng бўлиши керак.

Агар содир бўлиши лозим бўлган натижалар эҳтимолини баҳолашнинг имконияти бўлмаса, қарор ноаниқлилик шароитида қабул қилинган саналади. Масалан, шундай бўлиши мумкинки, ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллар шунчалик мураккаб ва янги бўлиб, улар тўғрисида етарли даражада маълумотлар бўлмаслиги ёки улар ҳаддан зиёд қиммат бўлиши мумкин. Бундай ҳолда у ёки бу натижанинг эҳтимолини етарли даражадаги ҳаққонийлик билан олдиндан айтиб беришнинг имкони бўлмай қолади. Тез-тез ўзгариб турувчи ҳолатлардан қабул қилинадиган кўпгина қарорлар учун ҳам худди шунаёнги ноаниқлилик характерлидир. Ҳозирги кунда бу нарсани ҳар бир ишбилармон ўзининг фаолияти давомида ҳар қадамда сезиб турибди.

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, рискли таҳлил этиш унинг манбалари ва сабабларини англашдан бошланади. Шу ўринда, қайси манбалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш ва уларга нисбатан таҳлилни мужассамлаштириш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Шундай қилиб, корхоналар фаолиятини узоқ муддатли режалаштиришда ташқи рискларни таҳлил қилишга, хусусан, рақобатлик устунлигини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қиласидилар. Бозор иқтисодиётида барча иқтисодий субъектлар фаолияти рақобатлилик тамойилига асосланади. Дунё мамлакатларида рақобат муҳити давлат томонидан тартибга солинади ва бу миллий иқтисодиёт ресурсларини оптималь фойдаланиш имконини беради. Шуни ҳам қайд этиш керакки, рақобат муҳитида фаолияти самарасиз бўлган корхоналар бозордан чиқиб кетишга мажбур бўладилар.

Хулоса тариқасида таъкидлаш мумкинки, тадбиркорлик қарори бу бошқарув асосидир. Унга кўра, тадбиркор бир қанча имкониятдан энг мақбулини танлайди. Риск икки қарама-қарши бўлган манфий ва мусбат натижаларнинг нисбати билан аниқланиб, корхона фаолиятини батафсил таҳлил қилиш асосида оқилона ишлаб чиқариш ва молиявий сиёsat бир томондан ноқулай ҳолатлар эҳтимолини камайтирса, иккинчи томондан, бундай ҳолатларнинг салбий оқибатларини камайтиради. Тадбиркор томонидан қабул қилинган қарор корхона фаолияти муваффақиятнинг гаровидир, чунки у рискни сезиларли даражада камайтиради ва охир оқибатда юқори натижага эришиш имконини беради.

### **1.3. Рисклар мониторинги, уларни камайтириш ва моделлаштириш масалалари.**

Директорлар кенгаши акционерлар ва компаниянинг ижроси учун маъсулдирлар. Молиявий эфективликка жавобгар бўлиш бу факат фойдани максимал ошириш эмас. Компания дуч келадиган рисклар билан ишлашга зарурат бор. Рисклар ўз ичига олади:

- Компания ўз иш жараёнида дуч келадиган бизнес ва стратегик рисклар, ҳамда
- Рисклар хатолари, қаллоблик, планлаштириш ва хатолар ҳисобига йўқотиш ва бошқа тизим ва жараёндаги камчиликлар.

#### **Рисклар билан ишлаш кенгашининг жавобгарликлари.**

Директорлар кенгаши акционерларнинг инвестицияларини ва компаниянинг активларини ҳимоя қилишга маъсулдирлар.

- Турли ҳил хатоликлар, пала-партишлик, қаллоблик ва ярамасликларни олдини олишда тизим, бажариладиган иш тартиби ва текширишлар борлигига бошқарманинг жавобгарлиги бор. Бундай йўқотишларни аниқлаш ва бартараф этиш ички бошқарма назоратида бўлади. Ички назорат тизимининг ишлашига бошқарма жавобгардир.

- Бошқарма компания ва унинг ресурсларини салбий ташқи рисклардан шундай ўт ва сув балоси, ўғрилик, табиий оғатлар ёки террористик ҳужумлардан ҳимоя қилишга жавобгардир.

Бошқарма компания учун стратегия ишлаб чиқишга ҳам жавобгар. Ҳамма бизнес-стратегиялар турли ҳил бизнес рискларни (ёки стратегик рисклар) келтириб чиқаради, масалан, харидорлар етарлича кўп маҳсулотларни сотиб олмайдилар ёки компания ҳизматларидан фойдаланмайдилар, ёки фойда кам бўлиб рақибларнинг омади келади. Стратегияни ишлаб чиқишида кенгаш кутилаётган фойда ва бизнес-riskни кўриб чиқиши керак ва алоҳида стратегия ўзини оқлашини

баҳолашлари керак ( кутилаётган риск фойдани оқлаши).

## **Рисклар билан ишлаш бошқармасининг вазифалари.**

Бошқарма рисклар билан ишлаш ва ички бошқарувга жавобгар бўлишига қарамасдан у режалаштириш ва рисклар билан ишлаш ва бошқарув тизимини амалга оширишга жавобгардир. Рисклар билан ишлаш бошқармаси хар куни ишлашни тақозо этади.

**Рисклар билан ишлаш ва ички бошқармалар шундай бўлишлари керак:**

- бошқарма томонидан режани амалга оширилган
- рисклар билан ишлаш ва назорат тизими барқарорлигига бошқарма кафолатлайди.

1992 йил Буюк Британияда корпоратив бошқарув ҳақидаги Cadbury маъruzасида Cadbury кенгаши шуни кўрсатдики рисклар билан ишлаш бу шундай жараёнки, юқори рағбарларлар бизнес натижасидаги рискни идентификациясини кузатадилар ва муҳим мақсадлар учун назоратни ўрнатадилар.

Cadbury маъruzасида яна рисклар билан ишлаш кўзда тутилган:

- тизимли
- ташқи кузатув учун баъзан татбиқ этиладиган эмас, балки компания жараёнига киритилган.

Cadbury ҳисоботи тавсия қиласди:

- молиявий назорат тизими
- рисклар билан ишлаш тизимини кенгайтириш.

Шу билан бирга у бошқарув ички бошқарув ва рискларни бошқарув тизими бир жойда бўлишини таъминлашини таклиф қилди. Ушбу маслаҳат ўша вақт амалга оширилмади. Лекин 1998 йил Британияда Кўшма Кодининг биринчи нашрида корпоратив бошқарув амалиётига ички бошқарув ва рискларни бошқариш вазифалари бошқарувга биритирилди.

## **Рискларни бошқариш кенгашининг роли**

Юқори раҳбарият ички бошқарув тизими амалга оширилишини режалаштириш ва рискларни бошқариш учун директорл кенгаши олдида жавобгардир.

Британия Кўшма Коди рискларни раҳбарият вазифалари тўлиқ бошқариш тизими доирасида бўлиши кераклигини таклиф этади. Коднинг таъкидлашича, компания активлари ва акционерлар инвестицияларни химоялаш мақсадида раҳбарият ичти бошқарув тизимининг овозини таъминлаши керак.

Буни амалга ошириш учун, раҳбарият:

- компания ички бошқарув тизимининг (ёки гурух) самарадорлигини йилда 1 маротаба текшириши керак;

- ва акционерларни текширув ўтказилганидан хабардор этиш даркор.

Ушбу йилли кузатув (текширув) ўз ичига қуидагиларни олиши даркор:

- бошқарувнинг барча – молиявий, операцион ва овоз бериш йўли бошқарув усуллари;
- рискларни бошқариш тизимини.

### **Молиявий назорат жараёнида аудиторлик кенгашининг вазифалари**

Британия Кўшма Коди таъкидлашича, аудиторлик кенгаши вазифалари ичига компаниянинг ички молиявий назорати омилларини кузатиш ҳам кириши керак.

Аудиторлик кенгаши ташки ва ички аудиторлар билан узлуксиз алоқада бўлиб тургани сабабли, ушбу кузатувни ўтказиш учун кенгашда барча шароитлар мавжуд. Масалан, ташки аудиторлар аудитнинг сўнгига молиявий назоратни яхшилаш учун “бошқарув хатини” тақдим этадилар. Аудиторлик енгани ушбу маслаҳатларни бошқарув ва аудиторлар билан муҳокама қилиб, улар амалга оширилганини назорат қилиши керак.

### **Ички бошқарув ва рискларни бошқариш кенгаши вазифалари**

Хусусан ички назорат тизими молиявий назорат омиллари чегарасидан ошади. У нафақат молиявий назорат омиллари, балки операцион назорат ва тасдиқлаш омилларини ҳам ўз ичига олади. Ички назорат билан бирга яна рискларни бошқариш тизими ҳам мавжуд – компания бизнес, экологик, стратегик ва бошқа хавфларни қандай аниқлаб, таҳлил қиласи ва иш кўради.

Британия Кўшма Коди таъкидлашича, ички назорат тизими ва рискларни бошқариш бошқарувнинг вазифаларидан бири бўлиши даркор. Ушбу кузатув маъсулиятини қуидигилар бажариши керак:

- аудиторлик кенгаши ёки

- тўлиқ пансион ёки

- тўлиқ мустақил ноижрочи директорлардан ташкил топган рисклар билан ишлаш кенгаши.

Британия Кўшма Коди аудиторлик кенгаши ва рисклар билан ишлаш кенгаши раҳбариятнинг ички кузатув ва рискларни назорат қилиш вазифаларини бажаришини таклиф қилмайди.

Ички бошқарув ва рискларни бошқариш назоратига эҳтиёжни корпоратив бошқарувнинг Сингапур Кодексида ҳам келтирилган. Уларнинг бошқарув чизиқлари Британия Коди моддалари билан ўхшаш:

- Аудиторлик кенгаши компаниянинг ички молиявий, операцион ва овоз бериш назорати омиллари ҳамда рискларни бошқариш тизими сиёсатининг бошқарув омонидан қабул қилингани билан кўриб чиқиши керак.

- Аудиторлик кенгаши ички назорат самарадорлиги кузатуви камида йилига 1 маротаба ўтқазилишига жавоб бериши керак. Ушбу кузатув

компаниянинг ички аудиторлари ёки ташқи ва ички аудиторлар ҳамкорлигига ўтказилиши керак.

- Бошқарув йиллик ҳисоботларида ички бошқарув ва рисклар назорати тизими маълумотларини қайд этиши даркор.

### **Махсус адабиётлар:**

1. Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011
  2. Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May, 2009
  3. David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, 2010, 2011 South-Western Cengage Learning Mason, OH, USA
- 

### **Интернет ресурслар:**

1. [www.iiia.org.uk](http://www.iiia.org.uk)- (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom).
2. [www.apb.org.uk](http://www.apb.org.uk) - (Auditing Practices Board).
3. [www.nao.gov.uk](http://www.nao.gov.uk) - (UK National Audit Office).
4. [www.iasc.org.uk](http://www.iasc.org.uk) - (International Accounting Standards Committee).
5. [www.aicpa.org](http://www.aicpa.org) - (American Institute of Certified Public Accountants).
6. [www.aaa.us](http://www.aaa.us) – (American Accounting Association)
7. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
8. <http://www.ifac.org>. – International Federation of Accountants (IFAC)

## **3 – Мавзу: Профессионал қимматликлар ва этика**

### **Режа :**

**1.1. Профессионал қимматликлар ва этика. Этика ва ижтимоий масъулиятга турли ёндашувлар.**

**1.2. Мутахассисликлар ва жамоат манфаати. Профессионал амалиёт ва этика кодекслари.**

**1.3. Бизнес ва этикавий фаолиятда ижтимоий ва экологик масалалари.**

**Таянч иборалари:** этика, ахлоқ кодекси, ҳаққонийлик, мустақиллик, холислик, профессионал компетентлик.

## **1.1. Профессионал қимматликлар ва этика. Этика ва ижтимоий масъулиятга турли ёндашувлар.**

Emile Woolf Publishing Limited нашриёти томонидан чоп этилган “Govemens. Risks and ethic” китобида этика тушунчасига қуйидаги таъриф берилган: “Этика - бу ахлоқий ва маънавий жиҳатдан оқланган тарзда харакат қилиш демакдир. Индивидуал шахслар ўзига ахлоқ туйғуларини ривожлантирадилар ва улар ўзларига мувофиқ “тўғри” ва “нотўғри” деб биладиган хатти-харакатларини амалга оширадилар. Шу билан бирга, нима “тўғри” ва нима “нотўғри” эканлиги хақидаги қарашлар хам бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

Этика ташкилотлар, шунингдек, алохида шахслар ва одамлар учун амал қиласди. Корхонада этика қоидалари фойда олишни максималлаштириш мақсадида жалб этилади ва уларнинг барча харакатлари фойдани оширишга қаратилади. Бошқа томондан, компаниянинг ахлоқий тарзда йўл тутишнинг ижобий томонлари ва заруриятини тан оладилар.

Бухгалтерлар - талабалар ва малакали мутахассислар – этиканинг профессионал қонунларига мувофиқ тарзда ўзини тутиши ва профессионал шахс деб тан олинган инсоннинг ахлоқий меъёрларини сақлаб қолиши назарда тутилади”.<sup>12</sup>

Корпоратив хулқ-атвор кодексининг қабул қилиниши билан акциядорлик жамиятлари амалиётида ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар биринчи ўринга чиқди. Корпоратив муносабатларга нисбатан бу ахлоқий талаблар ушбу соҳада ҳар хил томонларнинг манфаатлари тўқнаш келиши билан боғлиқ айrim хусусиятларга эга.

Компанияларда корпоратив маданият ахлоқ-одоб (этика) таъсири остида шаклланади ва ривожланади (бу одамларнинг ахлоқий меъёрлар, бир-бирига ва жамиятга муносабати тизими). Ўзбекистонда ҳозирги пайтда компанияларнинг учта асосий гуруҳи ажратиб кўрсатилади:

- 1) бозор муҳитида хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейинги жараёнлари натижасида шаклланган компаниялар;
- 2) бозор иқтисодиёти шароитларида вужудга келган ва ривожланган компаниялар;
- 3) табиий монополияларга мансуб компаниялар.

Бу гурухларнинг ҳар бирида ушбу бизнеснинг асосий вазифалари таъсири остида ишбилармонлик ахлоқи хусусиятлари шаклланган.

Ишбилармонлик ахлоқи – тадбиркорлик фаолияти меъёрлари ва ахлоқий тамойиллар йигиндиси, бизнесдаги асосий «ўйин қоидалари», уларсиз бизнес муаммоли, рискли ва олдиндан айтиб бўймайдиган бўлиб қолади. Ишбилармонлик ахлоқи – акциядорлар, директорлар Кенгаши, менежерлар,

<sup>12</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011, p.264.

компания ходимлари ва корпорациянинг бошқа манфаатдор томонлари: товар ва хизматлар таъминотчилари, дистрибьюрлар, сотовчилар, якуний истеъмолчилар, маҳаллий аҳоли ва ҳукумат органлари ўртасида муносабатлар мураккаб тизимни тартибга солувчи жиддий омилдир.

Замонавий корпоратив маданият асосида ётадиган ишбилиармонлик ахлоқи универсал тамойиллари америкалик социолог Л.Хосмер томонидан муваффақиятли ифодаланган бўлиб, жаҳон фалсафаси аксиомаларига асосланади:

1. Сенинг узоқ муддатли манфаатларинг ёки компаниянинг манфаатлари доирасига кирмайдиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил қадимги юонон фалсафасининг бошқа одамларнинг манфаатлари билан кесишадиган шахсий манфаатлар ҳақидаги таълимотларига (Протагор) ҳамда қисқа муддатли ва узоқ муддатли манфаатлар ўтасидаги фарққа асосланади.

2. Бу ҳақиқатда ҳалол, очик ва чин деб айтиш мумкин бўлмаган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Арасту ва Афлотуннинг шахсий фазилатлар ҳақидаги қарашларига асосланади.

3. Яхшилик ҳисобланмаган, умумийлик туйғуларини шакллантириш ва битта умумий мақсадга ишлашга хизмат қилмайдиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил яхшиликка, ўзаро алоқа қилиш ва ўзаро боғлиқликни англашга ундейдиган жаҳон динларида буюрилган нарсаларга асосланади.

4. Ҳеч қачон қонунни бузадиган нарсаларни қилма, чунки қонунда жамиятнинг минимал ахлоқий меъёрлари кўрсатилади. Тамойил Гоббс ва Локкнинг одамлар ўртасида дунёвий неъматлар учун курашда давлатнинг ҳакам сифатидаги роли ҳақидаги таълимотига асосланади.

5. Сен яшаётган жамиятга яхшиликдан кўра кўпроқ зарар келтирадиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Утилитаризм ахлоқига – И.Бентам ва Джон С. Милл томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий хулқ-авторнинг амалий фойдасига асосланади.

6. Шунга ўхшаш вазиятга тушганда бошқаларга тавсия қилмайдиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Кант қоидаларидан бирига асосланади.

7. Бошқаларнинг белгилаб қўйилган ҳуқуқларини камситадиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Руссо ва Джефферсоннинг шахс ҳуқуқлари ҳақидаги қарашларига асосланади.

8. Доим фойдани қонун доирасида, бозор талаблари ва харажатларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда максималлашга ҳаракат қил, чунки бу шартларга амал килишда максимал фойда ишлаб чиқаришнинг энг катта самарадорлигидан далолат беради. Тамойил А.Смитнинг иқтисодий назарияси ва В.Паретонинг оптимал битим ҳақидаги таълимотига асосланади.

9. Жамиятда энг заифларга зиён етказиши мумкин бўган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Ролснинг тақсимот адолат қоидасига асосланади.

10. Бошқа кишининг шахсий камол топиши ва ривожланишига тўскинлик қиладиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Нозикнинг жамият

ривожланиши учун шахс эркинлиги даражасини кенгайтириш назариясига асосланади.

Корпоратив маданиятнинг умумий ва ҳаммага маъқул бўлган таърифи йўқлигига қарамай, бу тушунча умум қабул қилинган ахлоқий қадриятлар, қонунчилик талабларига амал қилиш, одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, атроф-муҳитни асраш билан боғлиқ ҳолда фойдаланилади. Замонавий корпоратив маданиятнинг қуидаги асосий тамойиллари ажратиб кўрсатилади:

### 1. Профессионаллик, чуқур билимга эгалик ва хабардорлик.

Тўла маълумотга эга бўлмаган ҳолда, нопрофессионал қарорлар қабул қилинган ҳолларда барча манфатадор томонларнинг манфаатлари азият чекади, корпорацияга ҳам, корпоратив муносабатларнинг барча қатнашчиларига ҳам зарар етказилади. Профессионалликда одамнинг ўз профессионал мажбуриятларини бажариши, ўз қасбининг бошқа вакиллари билан ҳалол рақобатлашиши учун зарур бўлган белгиланган ишбилармонлик ҳислатлари ва хусусиятларига эга бўлиши кўзда тутилади.

Хабардорлик акциядорлар (мулк эгалари), директорлар кенгаши аъзолари ва бошқа манфаатдор шахслардан уларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли бирон-бир ахборотни яширишга йўл қуиб бўлмаслигини англатади.

### 2. Махфийлик ва касб билан боғлиқ сатрлар.

Махфийликка риоя қилиш фақат ҳалол ва қонун-қоидаларга риоя қиласидиган хулқ-атвор ҳақидаги ахборотни сир сақлашни англатади. Гап тўла маълумотга эга бўлмаслик, очиш лозим бўлган ахборотни яшириш ҳақида борганда эса ноахлоқий ёки ноқонуний хулқ-атвор ҳақидаги ахборотни компаниянинг раҳбар органлари ёки ваколатли давлат органларига хабар қилишга довур ахборотни очиш мажбурий қоидалари кучга киради. махфийлик режимига зарур қаттиққўллик ва тартибга солинганлик баҳш этиш учун директор ва менежерлар мулк эгалари (акциядорлар) ва бошқа манфаатдор шахсларга компаниянинг ошкор қилиниши кўрсатилган шахсларга зарар етказиши мумкин бўлган махфий ахборот билан ишловчи ходимларига тегишли равишда йўл-йўриқлар кўрсатилиши ва компанияда ахборотни ошкор қилишнинг олдини олиш бўйича реал механизм ва жараёнлар (тилхатлар, инструктаж, назорат чора-тадбирлари) амал қилишини кафолатлашлари лозим.

### 3. Манфаатлар тўқнашувида ҳаракат қоидалари.

Агар махфийликнинг асосий талаби ошкор қилмаслик, яъни ҳаракатсизлик бўлса, манфаатлар тўқнашуви қоидага кўра, корпоратив муносабатлар қатнашчиларидан фаол ҳаракатлар талаб қилади. Манфаатлар тўқнашуви директор, менежер ёки ходимнинг молиявий ва шахсий манфаатлари компания манфаатларига зид келган ҳолларда вужудга келади. Шу боисдан раҳбарият ва барча ходимлар манфаатлар тўқнашуви вужудга келиши мумкин бўлган соҳаларда фаолият юритиш бўйича аниқ йўл-йўриқлар олиши лозим.

Директор, менежер, ходим учун манфаатлар тўқнашуви вужудга келиши мумкин бўлган қуидаги соҳаларни ажратиб қўрсатиш мумкин:

1) молиявий инвестициялар. Ходимлар уларнинг иш берувчиси ҳисобланган фирма билан рақобатлашувчи компанияга ёки ўз компаниясининг контрагенти ҳисобланган фирмага инвестиция киритмасликлари лозим. Табиийки, агар гап тўғридан-тўғри эмас, балки муҳим аҳамиятсиз (портфелли) инвестициялар ҳақида борадиган бўлса, бунда ҳеч қандай манфаатлар тўқнашуви вужудга келмайди. Бироқ, нима бўганда ҳам, инвестициялар «аҳамиятсизлиги» масаласи баҳолаш мезони ҳисобланади, шу сабабли ходим бу ҳақида раҳбариятни хабардор қилиши лозим;

2) хизматдан ташқари тадбиркорлик ёки бошқа компанияларда бошқача фаолият тури. Агар ходим, директор ёки менежер бошқа бизнесга ёки ишга эга бўлса, бу объектив жиҳатдан компаниянинг гуллаб-яшнаши учун сарфланиши мумкин бўлган вақт ва кучни олиб қўяди (лавозим мажбуриятлари характери ва рангига қараб чекловлар турлича бўлиши мумкин);

3) совгалар. Ходим, директор ёки менежернинг бирон-бир қимматбаҳо совгалар қабул қилишига йўл қўйилмайди. Акс ҳолда совға берувчи совға қабул қилувчининг ҳаракатларини компания томонидан маълум бир мажбуриятларни қабул қилиш сифатида баҳолаши мумкин;

4) қариндошларнинг тадбиркорлик фаолияти ёки ишлаши. Шуни ҳисобга олиш керакки, директор, менежер ёки ходимлар қариндошларининг тадбиркорлик фаолияти улар рақобатчи фирмалар ёки компаниянинг контрагент фирмаларида ишлаган ёки бизнесга эга бўлган ҳолларда манфаатлар тўқнашуви вужудга келишининг сабабчиси бўлиши мумкин.

#### 4. Корпорация активларини ҳимоя қилиш ва тегишлича фойдаланиш.

Корпорация активларини ҳимоя қилиш корпоратив низолар серияси кузатилаётган бир пайтда (АҚШда Enron, Европада Parmalat ва х.к.) долзарб аҳамият касб этади.

Компания директорлари ва топ-менежерлари компания активларини суистеъмол қилмаслик ва улардан тегишлича фойдаланиш бўйича барча ҳаракатларни қўллаш борасида ёзма шаклда расмийлаштирилган ахлоқий мажбуриятни зиммасига олиши керак. Йирик битимлар ва манфаатли битимлар тузишда ҳам раҳбарият этикасига алоҳида талаблар қўйилиши лозим. Кўрсатилган битимларни акциядорлар умумий йигилиши ва директорлар кенгашининг маъқуллашисиз амалга ошириш компания мулкдорлари (акциядорлари) учун жиддий зарар келтириши, корпорациянинг ўзини эса банкрот ёқасига олиб келиши мумкин.

5.Амалга оширилаётган фаолиятнинг қонунчилик талаблари ва бошқа ҳуқуқий меъёрларга жавоб бериши.

Агар «Ричард Дарт пирамидаси»га (менежмент бўйича америкалик эксперт) таянадиган бўлсак, ахлоқ қоидаларига риоя қилишибизнеснинг ривожланиш пирамидасининг биринчи поғонасига (қонунларга риоя қилиш)

асосланган иккинчи поғонаси ҳисобланади. Қонунчилик талаблари ва меъёрларига амал қилмасдан туриб, ахлоқ қодиларига риоя қилиб бўлмайди.

6. Бирон-бир шахснинг ноахлоқий ёки ноқонуний хулқ-автори ҳақида компаниянинг раҳбар органлари ёки давлат органларига хабар бериш.

Компаниянинг ахлоқий кодексларида бирон-бир шахснинг ноахлоқий ёки ноқонуний хулқ-автори ҳақида компаниянинг раҳбар органлари ёки давлат органларига хабар бериш тартиби ва асосларини белгилаб бериш тавсия этилади. Табиийки, бундай хабарларнинг уларнинг муаллифлари учун ҳеч қандай салбий оқибатларсиз мустақил ва холисона кўриб чиқиш жараёни кафолатланиши лозим.

### 7. Коррупцияга қарши кураш.

Жаҳон иқтисодий амалиёти шуни қўрсатадики, агар давлат рақобат курашининг аниқ қоидаларини белгилаб қўймаса, рақобат объектив сабабларга кўра қонунийлик доирасидан четга чиқади, рақобат курашида инновацион технологияларни жорий қилиш, харажатларни минималлаштириш ва бошқалар воситасида эмас, балки коррупция усусларини қўллаган ҳолда ғолиб чиқишига интилиш пайдо бўлади, бунда компания ёки хусусий шахс ноқонуний тўловлар ҳисобига фойдали шартномани қўлга киритади ва шу тариқа рақобатчилар олдида адолатсиз устунликка эга бўлади. Коррупциянинг олдини олиш учун ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг «қора кассаси»га (расмий ҳисботларда акс эттирилмайдиган пул маблағлари) қарши курашиш зарур, чунки пора бериб сотиб олиш (коррупция) учун пуллар айнан шу маблағлар ҳисобидан сарфланади.

Бу борада АҚШ бой тажрибага эга бўлиб, у коррупцияга қарши изчиллик билан кураш олиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Хусусан, 1934 йил қабул қилинган ва 1970 йил ўзгартиришлар киритилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги Қонунга кўра яширин тартибда (ҳисботда акс эттирмасдан) амалга ошириладиган ҳар қандай тўловлар тақиқланган. Бу қонунга мувофиқ, фирма фондларини ҳар қандай назоратсиз тасарруф қилиш жиддий қонунбузарлик ҳисобланади ва жиноий жавобгарликка тортишга олиб келиши мумкин.

## **1.2. Мутахассисликлар ва жамоат манфаати. Профессионал амалиёт ва этика кодекслари.**

### ***Корпоратив маданият турлари***

«Корпоратив маданият» тушунчасини ўрганишга ёндашувларни икки гурӯҳга ажартиш мумкин: идеалистик ва прагматик ёндашув. Идеалистик ёндашув тарафдорлари корпоратив маданиятни ташкилотни ривожлантириш мақсади, унинг фаолият юритиши олий босқичи билан бир хил деб қарайдилар. Прагматик ёндашув тарафдорлари маданиятга корхонанинг белгиланган

тавсифномалари тўплами – шаклланган меъёрлар, қоидалар ва анъаналар сифатида муносабатда бўладилар. Бунда тўғри тушуниш керакки, корпоратив маданият меъёрларининг кўпчилиги латент, яъни яширин характерга эга. Одамлар ўз хулқ-атворида белгиланган қоидаларга амал қиласада, уларни охиригача тўлиқ англамайдилар. Улар маълум вазиятда нима қилиш кераклигини билади, бироқ нима учун деган саволга жавобберишга қийналади.

### **Маданиятнинг асосий турлари:**

Биринчи тури «*пательализм*» булиб, у раҳбарнинг барча тан олган эътиборли киши эканлигига асосланган корпоратив маданият. Мехнат, функциялар ва мажбуриятлар тақсимоти мавжуд бўлсада, бироқ мутлоқ характерга эга эмас. Раҳбар ўз қарори билан мажбуриятларнинг тақсимланиши, ўзаро алоқа қоидалари ва мукофотлаш даражасини ўзгартириши мумкин. Ишларни тақсимлаш топшириқлар бериш шаклида амалга оширилади. Қарор қабул қилиш ва ҳамма нарса учун жавобгарлик – раҳбарнинг алоҳида хуқуқлари ҳисобланади.

Маданиятнинг ушбу тури кўплаб кичик ва йирик корхоналар учун хос бўлиб, уларнинг асосий белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

1) харизматик етакчининг мавжудлиги;

2) мукофотлар ва ишларни тақсимлаш бўйича яққол ифодаланган савдолашиб муносабатларининг йўқлиги. Энг муҳим мукофот – обрў-эътибор;

3) бошқарув ўтacha даражасининг роли минимал даражага келтирилган.

Иккинчи тури «*артель*» деб номланиб, у барқарорлашмаган меҳнат тақсимоти, функциялар ва мажбуриятларнинг ажратилмаганлигига асосланган корпоратив маданият. Ҳар бир ходим ҳамма нарса учун жавоб беради ва ўз корхонаси учун қўлидан келган ҳамма нарсани бажаради.

Қоидага кўра, бу режимда тадқиқот ва лойиҳа бўлимлари, сервис участкалари, таъмирлаш-курилиш бригадалари ишлайди. Бундан ташқари, корпоратив маданиятнинг артель тури кичик корхоналарга хос бўлиб, бу корхоналар ҳажми мижозларнинг индивидуал сўровлари, уларнинг шаклланган доирасига йўналтирилган ишлаб чиқариш хусусиятлари (кичик устахоналар, нон дўконлари, емакхоналар) билан белгилаб берилади.

Артель маданиятига хос бўлган асосий белгилар:

1) харакатлар мультипликация самараси мавжудлиги – бутун ҳолдаги нарса доимо унинг қисмлари суммасидан катта бўлади, яъни команданинг синергетик, иқтисодий ва ижтимоий самараси якка ҳолатдаги беллашув афзалликларидан ортиқ бўлади;

2) команда аъзолари ўртасида ишонч – шахсларнинг бир-бирига мослиги;

3) фаолият алмашуви умумий ишга ҳисса қўшиш характерига эга.

Учинчи тури «*колония*» - ходимнинг технологияга мутлақ бўйсунишига асосланган корпоратив маданият. Ходимлар ишлаб чиқариш жараёнининг мурувватларига айлантириб қўйилган. Қаттиқ интизом назоратчилар армияси томонидан таъминланади.

### Асосий белгилари:

- ходимнинг меҳнат функцияларини соддалаштириш, уни ишлаб чиқариш жараёнининг мурватига айлантириш;
- қаттиқ иерархик бўйсуниш тизими, ходимлар мустақиллиги ва ташаббускорлигининг минимал ҳолатга келтирилиши. Ушбу маданият турининг асосчиси – ишлаб чиқаришнинг узлуксиз тизими, ишлаб чиқаришни андозалаш, конвейерлаштириш ва рационаллаштириш ғояларини ҳаётга татбиқ этган Генри Форд ҳисобланади.

Туртинчи тури «колхоз» - у ишни ўзига ва ишни корхонага қарши қўйишга асосланган корпоратив маданият. Ходимлар режа топширикларини бажаради ва корхона қувватлари ҳамда вақтидан ўзига ишлаш учун фойдаланади.

### Асосий белгилари:

- 1) ишга мажбурият каби муносабатда бўлиш;
- 2) аниқ ифодаланган иерархичек савдо. Иш ҳақи ижтимоий минимум саналади. Ходимнинг ҳар қандай қизғинлиги қўшимча тўлов талаб қиласди;
- 3) корхона ресурсларини талон-тарож қилишда бир-бирини қўллаш.

Бешинчи тури «хутор хўжалиги» - *фаолият ва унинг натижаларига эгалик ҳуқуқини алоҳида ажратишга асосланган корпоратив маданият*. Ҳар бир ходим «ўз майдонига ишлов беради», умумий ишга қўшилган ҳисса эса мажбурий топшириқ ёки даромаддан ажратмалар ҳисобланади. Мисол - адвокатлик бюроси (ҳар бир адвокат ўз идораси учун зарур минимиал ишларни бажаради, ишни – мижозларни ўзига-ўзи излайди); риэлторлик фирмалари (ходимлар умумий маълумотлар тўпламидан, юридик кўмақдан, фирма маркасидан фойдаланади, бироқ мижозларни ўзи топади ва битимдан фоиз кўринишида ҳақ олади).

### Асосий белгилари:

- минимал ички фирма кооперацияси;
- мижозлар билан тўғридан-тўғри алоқа – ким яхши муроқот қила олса, ўша кўпроқ пул ишлаб топади;
- ички ракобат (мижозлар учун кураш).

Олтинччи тури «феодал социализм» - барча ижрочиларнинг тенг ҳукуқ асосида бир жойга қарashi ва қаттиқ иерархияга асосланган корпоратив маданият. Меҳнат тақсимоти ва кооперация ўзаро алоқа қилиш шартларига нисбатан вертикал ва горизонтал бўйича узлуксиз савдо билан уйғунлашади.

### Асосий белгилари:

- вужудга келган муносабатлар тизими кучли инерцияси – муносабатларнинг катта қисми юзага келган мутаассибликни такрор ишлаб чиқариш характеристига эга;
- бўйсунишнинг ўҳшамас характеристи;
- ўзгаришларнинг ҳар хиллиги – доимий ўзгариб турадиган манфаатлар тизими.

Еттинчи тури «корпорация» - «масъулият худудлари»ни аниқ ажратган ҳолда фаолият кооперациясига асосланган корпоратив маданият. Ўзаро алоқалар асосида ҳар бир ижрочининг функциялари, хуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, қарор қабул қилиш ва манфаатларни мувофиқлаштириш жараёнларини белгилаб берувчи қатъий регламент ётади. Асосан йирик компаниялар учун характерли.

Асосий белгилари:

- индивидуалистик хулқ-атвор услуби;
- ходим-корхона муносабатларида шартнома характеристи;
- расмий ва реал, жамиятда рухсат берилган хулқ-атвор меъёрларининг максимал даражада мос тушиши.

Таъкидлаш жоизки, баъзида битта компаниянинг ўзида корпоратив маданиятнинг бир неча турлари бирга бўла олади. Шу билан бир пайтда мутлақо бир-бирига мос келмайдиган турлар ҳам мавжуд (маслан, «колхоз» ва «колония»).

Маданият, компаниянинг институционал тавсифи сифатида, манфаатларни мувофиқлаштириш усуллари, корпоратив ҳаракатлар шакллари ва низоларни бартараф этиш усулларини кўзда тутади.

Манфаатдор шахслар деганда компания фаолияти уларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ҳар қандай гурӯхлар: акциядорлар, менежерлар, ҳамкорлар, истеъмолчилар ва ҳ.к. тушунилади. Манфаатдор шахслар орасида улар ўртасида манфаатлари турли йўналишга эга объектив зиддиятлар мавжуд бўлган учта асосий гуруҳ: акциядорлар, менежерлар ва директорлар алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Акциядорлар, ўз навбатида, икки тоифага – мажоритар ва миноритар акциядорларга ажратилиб, уларнинг манфаатлари ҳам ўзаро тақсимланади. Мажоритар акциядорлар, миноритарийлардан фарқли равишда, компания ривожланишининг узоқ муддатли истиқболларига ва кичикроқ рискларга йўналтирилган бўлади. Агар уларнинг дивиденд тўлаш ва фойдани капиталлаштириш ўртасида бирини танлашига тўғри келса, улар фойдани капиталлаштиришни афзал кўради.

Мажоритар акциядорлар учун корпоратив хулқ-атворнинг қуидаги тамойилларини тавсия этиш мумкин.

*Миноритарийларнинг мулкий манфаатларига беписанд бўлмаслик ва ўйлаб кўрилган дивиденд сиёсати юритиши:*

- директорлар Кенгаши билан биргаликда менежерлар фаолиятининг чуқур ўйлаб чиқилган мотивациясини амалга ошириш, бу менежерлар томонидан сустеъмол рискини пасайтиради;
- директорлар Кенгаши профессионаллиги ва фаолияти мустақиллигини режа асосида ошириб бориш.

*Миноритарийлар учун корпоратив маданият тамойиллари:*

- компания манфаатларига зиён етказган ҳолда акциядорларнинг ўз хуқуқларини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик;
- компания тижорат сирлари қаторига кирувчи ахборотни ошкор қилмаслик;
- компания директорлари, менежерлари ва йирик акциядорларидан қабул қилинган ахлоқий қоидаларга амал қилишни талаб этиш.

*Компания директорлари учун корпоратив маданият тамойиллари.*

Акциядорлар ва менежерлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш – директорларнинг асосий вазифасидир. Буни ҳал қилиш учун директорлар Кенгashi акциядорлардан ҳам, менежерлардан ҳам расман эмас, балки ҳақиқатда алоҳида ажратилган ва улардан мустақил бўлиши лозим. Директорлар учун қуйидаги тамойилларни тавсия этиш мумкин:

- компанияда ахлоқий қоидалар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- директорлар Кенгашининг фаолияти давомида компаниянинг барча манфаатдор шахслари манфаатларини ҳисобга олиш;
- компания «шаффофф»лиги мониторингини амалга ошириш, жамият акциядорлари, менежерлар ва ходимлар томонидан қонунчилик талаблари, жамиятнинг таъсис ва ички хужжатларига риоя қилиш;
- оқилона дивиденд сиёсати бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва акциядорларга тақдим этиш;
- менежерлар фаолияти самарали мотивация тизимини ишлаб чиқиш;
- акциядорлар олдида ҳисобот бериш ва уларга компаниядаги ишларнинг ҳолати ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот тақдим этиш.

*Компания менежерлари учун корпоратив маданият тамойиллари:*

Менежерлар факат мулк эгаларининг пулларини рискка қўйиб, ўз мулкини йўқотиш рискига дуч келмайди. Улар учун қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

- ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик;
- компания акциядорларига атайин қилинган ҳаракатлар билан зарар етказмаслик;
- компания учун зарар кўриш риски юзага келганда компаниянинг директорлар Кенгашини бундан хабардор қилиш;
- компания фаолиятига директорлари Кенгashi томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий қоидаларни жорий қилиш;
- ўз мажбуриятларини чин кўнгилдан, вижданан ва ташаббускорлик билан бажариш;
- директорлар Кенгашига тегишли тарзда ҳисобот бериш;
- ўз фаолиятида компаниянинг таъсис ва ички хужжатларига, қонунчилик талабларига риоя қилиш ва компания ходимларидан ҳам худди шуни талаб қилиш;
- ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари таъминлаш.

*Корпоратив маданият тамойиллари.* Компания ва унинг рақобатчилигининг ўзаро алоқалари умумий ахлоқий меъёрлари орасида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- бир-бирини ҳурмат қилиш;
- рақобат кураши олиб боришнинг ноахлоқий усулларидан возкечиш;
- савдо ва инвестициялаш учун очиқ бозорларни ривожлантиришга хизмат қилиш.

*Товар ва хизматлар таъминотчилари билан муносабатлар тамойиллари:*

- тўғри нарх шаклланиши, лицензиялаш;
- кераксиз суд муҳокамаларини истисно қилиш;
- узоқ муддатли ва барқарор муносабатларни ривожлантириш;
- маҳфий бўлмаган ахборот билан ўртоқлашиш;
- тузилган шартномалар шартларига мувофиқ тўловларни ўз вақтида амалга ошириш.

*Истеъмолчилар билан муносабатлар тамойиллари:*

- истеъмолчиларни уларнинг эҳтиёjlари ва хоҳиш-истакларига мувофиқ юқори сифатли товар ва хизматлар билан таъминлаш;
- тўғри муомала, истеъмолчиларга акциядорлик жамиятининг товар ва хизматлари уларнинг саломатлиги, хавфсизлиги, атроф-муҳитнинг аҳволини яхшилаш ва қўллаб-қувватлашни кафолатлаш;
- акциядорлик жамиятининг товар ва хизматлар истеъмолчиларини уларнинг жинси, ёши, ирқи ва ҳ.к. бўйича камситмаслик;
- истеъмолчиларга таклиф этилаётган товар ва хизматларда, жумладан, уларнинг маркетинг ва рекламасида инсон қадр-кимматига ҳурматни кафолатлаш;
- истеъмолчилар маданияти яхлитлигини ҳурмат қилиш.

Ўз вақтида Япония АҚШ армияси томонидан эгаллангани ва иқтисодий тизим тўлиқ издан чиқсан бўлишига қарамай, иқтисодиётни ўзгартиришни мақсад қилган етакчи арбоблар, Япония ижтимоий маданиятига мувофиқ бўлган ҳолда турли бошқарувчилик тизимларни мослаштириш устида ишлай бошладилар. Япон модели деб аталувчи модел ҳозирги вақтга келиб бир мунча эскириб қолди ва глобал иқтисодиётга мувофиқлаштириш учун унга ўзгартиришлар киритиш керак. Бироқ, нима бўлганда ҳам, ўз пайтида яратилган бошқарувчилик тизимлари, 1970 дан 1980 йилларгача бўлган оралиқда Европага етиб олиш ва жаҳон иқтисодиётида иккинчи ўринга эришишга муваффақ бўлишда илҳомбахш куч эди.

Ушбу ҳолда компания ва дараҳт ўртасида ўхшатиш келтирилган. Компания пойдевори нозик томонлари тўғри тушунилган маданият асосида қуриладики, бунда рационал далиллардан кўра кўпроқ руҳий ишонч омили катта роль ўйнайди. Компания маданияти молиявий-хўжалик фаолиятни ва

қандай тадбирлар жорий қилинишини аниқлайды. Маркетинг ва инновациялар компания концепцияси ва унинг асосий сиёсатидан кейин амалга ошириладиган асосий фаолият турлари дидир.

Автомобилсозлиқда Toyota, Honda, электроника соҳасида Toshiba, Matsushita (Panasonic), Sony юқори сифатли махсулот ишлаб чиқарадиган компаниялар сифатида донг таратдилар. 1950 йилларда бу компаниялар кичик корхоналар бўлиб, 1960-1980 йиллар давомида жаҳон бозорига секин-асталик билан кириб келди. 1980 йилдан 1990 йиллар оралиғидаги давр япон саноати учун йўқотилган ўн йиллик деб ҳисобланади. 90-йилларда япон иқтисодиёти пасайишга қараб ҳаракатини давом эттириди ва глобал иқтисодиёт шароитига мослаша олмаганлиги боис кўпчилик компаниялар бозордан чиқиб кетди. Шу билан бирга, кўпчилик бақувват компаниялар «эски пўстинни ташлаш орқали» ҳатто шу даврда ҳам ўсишни давом эттириди. Бу компанияларга ўсиш ва ўзини сақлаб қолишга имкон берувчи қатор омиллар мавжуд бўлиб, шулар жумласида маданият улар учун асосий ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди. Маданият компания шаклланишининг ўзаги бўлиб, уни дараҳтнинг илдизларига қиёслаш мумкин. Илдиз кўринмайди, бироқ агар чирик бўлса дараҳт қулайди. Буни фақат ҳиссиёт даражасида англаш мумкин. Маданият муҳит ёхуд иқлимга ўхшайди. Япон компанияларининг хусусиятлари шундан иборатки, маданиятга жуда катта эътибор қаратилади.

(American Accounting Association AAA) Америка бухгалтерлар уюшмаси модели<sup>13</sup>.

Америка бухгалтерлар уюшмасининг модели ахлоқий ёндошувлардан бўлиб, 1990 йилда шакллантирилган. Шунга мувофиқ телеологик қарашлар асосоланган ва профессионал ахлоқий кўрсатмаларга мувофиқ келади.

AAA моделига кўра қарор қабул қилиш етида қадамга асосланган.

Босқач	Саволлар	Таъриф
1	Фактлар мавжудми?	Хатти-харакатга боғлиқ барча далилларни аниқлаб олиш лозим. Далиллар хақида аниқ маълумотларга эга болмай туриб, қарор қабул қилиш қийин.
2.	Аҳлоқий масалалар нималардан иборат?	Хаттиғхаракатнинг асосий камчилиги мавжудми? Каби саволларга қарор қабул қилувчи жавоб бера олиш керак.

<sup>13</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011,p.280.

3.	Ахлоқий тамойиллар, қадриятлар ва меъёрлар мавжудми?	Бирон бир қарорга келишдан аввал ахлоқий тамойилларни куриб чиқиш керак.
4.	Қарор қабул қилувчи шахс учун бошқа муқобил варианtlар борми?	
5.	Муқобил вариант қайси бири энг яхши натижага беради?	Хар бир танлов ахлоқий жихатдан таҳлил қилиниши керак. Хар бир вариант қўлланса, қандай натижага олиб келиши мухокама қилиниши керак
6.	Муқобил варинатларнинг келтириши мумкин бўлган натижалари нималардан иборат?	
7.	Якуний қарор қандай?	Қарор қабул қилувчи ахлоқий танловни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида аудит соҳасидаги мутахассисларга тегишли аҳлоқ кодекси қабул қилинган: “Ўзбекистон аудиторлар профессионал этика кодекси”. Ушбу Кодекс Ўзбекистон аудиторлар палатаси ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси томонидан 2005 йилда қабул қилинган. Бухгалтерия соҳасида Бухгалтерлар халқаро федерацияси томонидан қабул қилинган “Профессионал бухгалтерлар этика кодекси” амал қиласди.

Бухгалтерлар ҳалқаро федерацияси томонидан қабул қилинган “Профессионал бухгалтерлар этика кодекси”нинг 100.4 бандида қуйидаги асосий фундаментал тамойиллар келтирилган:

“Профессионал бухгалтер қуйидаги фундаментал тамойилларга риоя қилиши керак:

- одоб
- холислик
- профессионал малакалилик
- маҳфийлик
- профессионал хулқ”<sup>14</sup>.

Ўзбекистон аудиторлар профессионал этика кодексининг 2 бандига мувофиқ: “Профессионал хулқ этикаси, аудиторларнинг хулқ меъёрлари ва

<sup>14</sup> Международная федерация бухгалтеров “Кодекс этики профессиональных бухгалтеров”, 2006г. NORMA.

умумий мақсадга эришиш учун аудиторлар риоя қиласынан асосий тамойилларни белгилайди”<sup>15</sup>.

Аудиторлар профессионал фаолиятининг этикаси қўйидаги тамойилларга риоя қилишни талаб этади:

- ростгўйлик;
- холислик;
- профессионал малакалилик
- профессионал хулқ
- профессионал стнадартлар.

Аудиторнинг профессионал фаолиятининг мақсади аудиторлик хизматларини амалга ошириш натижасида даромад олишдан иборат. Бу эса тўртта асосий талабларга риоя қилишни талаб этади:

- Хаққонийлик;
- Малака;
- Хизматларнинг сифати;
- Ишонч.

### **1.3. Бизнес ва этикавий фаолиятда ижтимоий ва экологик масалалари.**

Тадбиркорлик субъектлари жамият ичидаги фаолият кўрсатадилар. Улар махаллий жамоалар билан хамкорлик қиласидилар. Уларнинг ходимлари, мижозлари ва мол етказиб берувчилари жамиятнинг барча аъзолари сифатида фаолият олиб борадилар.

#### **Хиссадорлик назарияси.**

Корпоратив бошқарувнинг хиссадорлик назарияси компаниянинг мақсади, унинг акциядорлари олдида фойдани максималлаштиришдан иборат эканлигига асосланган.

Теологик назарияда фойда мотиви бизнесда муҳим хисобланган, шундай экан хиссадорнинг мулкини максималлаштириш қонунан белгиланган мақсаддир.

Акциядорлар, айниқса катта биржа компаниялари хиссадорлари, кўпинча ўзларининг улушларини сотиб савдолашадилар. Ваъзилари компаниянинг узоқ муддатли инвесторлар ва бошқалар тез фойда олиши мақсадида инвестиция киритган тадбиркорлар хисобланади.

#### **Манфаатдорлар назарияси.**

Корпоратив бошқарувда манфаатдор назарияси компаниядан манфаатдор

<sup>15</sup> “Кодекс профессиональной этики аудиторов Узбекистана”, утв. Пост. Совета Палаты аудиторов Узбекистана от 25.07.2005г. №3 и Пост. Совета Национально Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана от 26.08.2005г. №9. NORMA

бўлган барча гурухларни, шу жамладан, фақат ишчилар ва харидорларни эмас, балки ижтимоий гурухларни хам бир бутун жамият сифатида хукуқларини ҳимоя қилишга маъсулликни раислар ўз бўйнига олишини ва унга ахлоқий бурч деб қарашини билдиради.

Бошқарувнинг бу тушунчаси бизнес этикасига деотологик ёндошув билан узвий боғлиқ. Бу барча шахслар худди бизнес субъектлари сифатида ўз манфаатлари ва қарашларига хурмат билан муносабитда бўлишга хақли эканлигини англатади.

### **Ижтимоий муносабатлар назарияси**

Корпоратив бошқарувнинг ижтимоий шартнома назарияси хам мавжуд. Бу жамият аъзолари компанияга хуқуқий тан бериш нуқтаи назарга асосланади. Улар компанияга жамият ичида мавжуд бўлиш ва бир юридик шакс сифатида харакат қилиш имконини беради. Улар, шунингдек, компанияга ер ва ресурслардан фойдаланиш, жамият аъзоларини ходим сифатида йўллаш имконини яратади.

Компания, шунингдек, моддий фойда олиш мақсадида, бир бутун жамият сифатида унинг фаровонлигини таъминлашни давом эттириш мажбуриятини хам ўз бойнида олади. Фойда олиш ахлоқий бўлиши керак ва компания хатти-харакатларини амалга ошираётганда жамият манфаатларинига таъсирини хам кўриб чиқиши керак.

### **Jonson va Skoulz: бизнес субъектларининг ахлоқий тўрт позициялари:**

Jonson va Skoulz (2002) компаниялари тўртта мумкин бўлган ахлоқий позицияларидан бирини танлаш мумкин деб тавсия қиласди. Бу қарашлар корпоратив боқарувнинг турли кўринишлари билан мос келади. Тўртта ахлоқий муносабатлар қуидаги мақсадларга қаратилади:

- Қисқа муддатли хиссадорлар манфаатларини максималлаштириш;
- Узоқ муддатли акциядорни манфаатини максималлаштириш;
- Манфаатдор мажбуриятларини ошириш турли манфаатдорлар гурухларининг мажбуриятларини аниқлаштириш;
- Жамиятнинг шакллантирувчи бўлиш.<sup>16</sup>

Жамиятнинг шакллантирувчи жамиядаги шарт-шароитларни ва жамият олиб бораётган фаолиятини, ўзини бошқараётган йўлини ўзгартириш деган маънони англатади. Ўтмишда (ва эҳтимол хозир хам) технологиялар бизни қаерда ва қандай яшашимизга сезиларли таъсир кўрсатиб, жамиятнинг шакллантирувчи бўлиб келган. Медиа ташкилотлари хам охирги 100 йил ичида жамият шакллантиришда муҳим ахамият касб этади, чунки фильмлар жамиятни

---

<sup>16</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011,p.287.

ўзгартеришга катта таъсир этиди.

Корхоналар ресурсларни назорат қиладилар ва технологиялар келажаги хақида қарор қабул қиладилар. Улар жамиятни шакллантиришда мухим ахамият касб этадилар.

### **Ахлоқий муносабитлар: шахсий ва корпоратив**

Ахлоқий позиция ёки вазият деганда кимнидир ахлоқий муаммоли ҳолати тушунилади. Шахслар ва ташкилотлар муайян масалалар бўйича онгли ахлоқий хаттиҳаракатлар қилишни ривожлантириб боришлари мумкин, уларнинг қарорларига хам бу таъсир этмай қолмайди. Мисол учун, бир компания айрим мижоз еки етказиб берувчилар билан фаолият олиб бормаслиги мумкин. Қуйида иккита мисоллар келтирилган:

- Буюк Британия баъзи чакана савдогарлар қўл меҳнати ёки болалар меҳнатидан фойдаланадиган мамлакатлар таъминотчилиаридан маҳсулот сотиб олмайдилар. Бу ахлоқий позиция қисман ўз манфаатларини ўйламасликдир, лекин бу харакат ахлоқий қарашларга таянган харакатдир.
- 2006 йилда Британия олмос уюшмаси олмос қазиб чиқарадиган мамлакатлар (масалан Конго ва Сиерра Леоне каби)да бўлаетган фуқаролар уруши ва кенг тарқарлан ўлдириш каби харакатларни олдини олиш мақсадида ахлоқий позицияни эгалладилар. Бу олмослар “қонли олмос” деб аталди ва Буюк Британияда бу олмос савдосини тўхтатилиш учун харакат қилмоқда<sup>17</sup>.

Жамият ва атроф-мухит учун маъсулият

Ананавий ахлоқий фалсафа деонтологик ва теологик ёндошувлар ўртасида бўлиниб кетади. Хозирда энг замонавий фалсафа экология фалсафасидир. Бу турли шахслар ва гурухлар жамиятини (ва уларнинг вазифаларини) қандай кўриши ва жамият олдидаги маънавий маъсулиятини қай даражада қабул қилганини қараб чиқади.

Баъзи шахслар бошқалар олдидаги ахлоқий маъсулиятига бор этиборини қаратадилар. Бошқалар эса шахслар ва субъектларнинг маъсулиятини фақат жамият олдида эмас, балки ер ва атроффмухит олдида хам бўлиши керак деб даъво қиладилар.

Грей, Овен ва Адамснинг 7-босқич таснифи

Gray, Owen va Adams (1996) турли одамларни ва уларнинг бизнес ташкилотлар ва жамият хақидаги қарашларини таснифлаш учун гурухларга ажратиш асосини тақдит этганлар. Бундан тадбиркорлик субъектлари хамда уларнинг аъзоларини (рахбарлари, ходимлари, акциядорлари) жамият ва ижтимоий жавобгарлик олдидаги ахлоқий позициясини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

---

<sup>17</sup> Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011,p.288.

Улар ижтимоий жавобгарликни 7 даражасини ажратиб кўрсатиши<sup>18</sup>.

	Босқичлар	Шартлар
1.	Ибтидоий капиталистлар	Бухгалтерия ва молия олимидаги доминант қараш бўлиб, компаниянинг ягона мажбурияти хассадорлар учун фойдали максималлаштиришдан иборат
2.	Муносиблар	Корхонанинг асосий мақсади хиссадорларнинг бойлигини кўпайтириш, лекин харидорлар ўртасида обру ва ишончга эга бўлиш учун хайрияларга хам қатнашиб туриш лозим
3.	Ижтимоий шартнома тарафдорлари	Корхона ва жамоат орасидаги мажбуриятлар тенг тақсимланган шартнома мавжуд.
4.	Ижтимоий экологлар	Уларнинг фикрича атроффмухит билан боғлиқ муаммоларни компаниялар ва йирик ташкилотлар келтириб чиқаради
5.	Социалистлар	Жамиятда хеч нарса доминант бўлиши мумкин эмас, жамият тузилишини доим шунга мувофиқ ўзгариши мумкин
6.	Радикал феминистлар	Жамият ва ижтимоий гурухлар агрессия эркакларнинг доминант бошқарувига таянади
7.	Кучли экологлар	Улар ибтидоий капиталистларга қарши бўлиб, инсониятни яшашга хаққи қолмаган деб ҳисобладилар

### **Махсус адабиётлар:**

1. Emile Woolf Publishing Limited/Govemens. Risks and ethic.. ACCA. 2011
2. Международная федерация бухгалтеров “Кодекс этики профессиональных бухгалтеров”, 2006г. NORMA.
